



САРСОНУ САРГАРДОН УНИВЕРСИТЕТЛАР: СИР ОЧИЛДИ!

Тепса, урса, золимни севаверадиган одамни тасаввур қиласизми? Тасаввур қиламан деб тафаккурингизга оғирлик ташламанг: бугун Ўзбекистон аҳолисига қаранг, ана шундай одамларни кўрасиз. Каримов халқни қанчалик азобга солмасин, калтақдан ҳузурланган баъзи одамлар бу жаллодга ҳамду сано ўқиш билан банд.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўз-ўзидан бошқа бинога кўчирилди, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети ёпилди, янги ўзбек тили ва адабиёти университети очилди.

Гўёки катта ўзгаришлар бўлиб кетяпти. Аслида, вазият жуда тўмтоқ. Аммо камдан кам одам бу ишлар замиридаги ҳақиқатларни таҳлил қилишга интилмоқда. ЎзМУ, Тошкент техника университети ва Низомий номидаги университетларнинг қайта ташкил қилингани сабабларини давлат одамлар ўзларича бир нималар билан изоҳлашмоқда. Бу ҳақда бизнинг ҳам бир неча очкичлардан иборат мақоламиз эълон қилинган эди. Бугун биз ўша

очкичларнинг сўнгисини тақдим этамиз. Беражак маълумотларимиз Каримов режимининг асл башарасини сизга кўрсатиб беради. Шу нарсани ишонч билан таъкидлаймизки, ЎЗМУ, Тошкент техника университети (Политех) ва Низомий педуниверситетларининг кўчирилиши, янгитдан ташкил қилиниши ўзбек миллатига, ўзбек халқига Каримов режимининг амалга ошираётган, кечириб бўлмас улкан хиёнатидир. Бу ишларнинг асл мазмуни билан танишган ҳар қандай кимса бу режимнинг хоинлигини шубҳасиз билиб олади.

Ўзбекистонда энг йирик университет – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети. Бу таълим даргоҳига 12.000 (ўн икки минг!) нафар талаба ўқишга қабул қилинади.

Иккинчи ўринда эса Тошкент техника университети ва ЎЗМУлар туришади. Бу университетларда 10 минг нафарга яқин талабалар ўқийди.

ЎЗМУ таркибидаги Ўзбек филологияси факультети эса совет даврида мустамлака тузумга қарши курашувчи катта куч сифатида

шаклланган. Миллатнинг барча йирик маърифатпарварлари мана шу даргоҳнинг битирувчиларидир. Шу сабабли бу факультет қайси замонда золим режимнинг биринчи рақамли реал душмани бўлиб келди. Чунки филологлардаги тил – сўзлаш қобилияти золим режимнинг асл башарасини очиб ташлайди, халқни уйғотади.

Мустақулликнинг йигирма беш йиллиги арафасида муҳолифатнинг кучли ҳаракати Каримов режимини довдиратди. Ўзбекистон Халқ ҳаракати эса чўчиш ва ҳайқиш нималигини билмасдан дадил қадамлар билан юрт ичига кириб боряпти. Юрт ичида бу режимга жуда катта жасорат билан курашаётганлар сони кескин кўтарилмоқда. Айниқса, улар орасида ёшларнинг кўплиги алоҳида ҳодиса. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонга қайта бошлади. Унинг китоблари қайтадан тарқалди. Миллат ўз жонкуярини, фидойисини таниб, уйғонди. Ҳа, халқнинг сезиларли қатлами уйғонди.

Каримов ва унинг атрофидагилари эса уларнинг ҳукуматини ағдариб ташлайдиган реал кучлар қайси нуқталарда жойлашганини билади. Илдизни билади. Шунинг учун ҳали муаммолар туғилмасдан туриб ҳурриятнинг илдизини эзишга, бошини узишга қасд қилди.

Саналган уч университетга қабул қилинадиган ёшларнинг сонини камайтириш учун йўл излади ва таълимни ривожлантириш ниқоби остида университетларни кўчиришга қарор қилди. Чунки университет кўчса, одамлар кайфиятида, университет базасида катта чўкиш рўй беради. Янги одамлар ишга олинадилар, эскилари бўшатилди, кадрларни элақдан ўтказишга имкон туғилади. Шу билан янги жойдан янгитдан илдиз отиб кўкариши учун бу ўқув даргоҳларига узоқ вақт кетади. Ундаги аввалги руҳ йўқолади.

Иккинчидан, шу баҳонада университетларнинг талабалари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сони камайтириб юборилади. Мана, исботи – Низомий педуниверситетининг талабалари сони 12.000 нафардан 1.000 (минг) нафарга камайтирилди. Эртага 12.000 талаба исён қилиб кўчага чикса, уларни йўқ қилиб юбориш жуда ката муаммо, аммо 1.000 кишини қўйда бўғизлаш, уларни қўрқитиш ҳукумат учун муаммо туғдирмайди.

Қайта ташкил қилиш баҳонасида ЎзМУда ҳам, Политехда ҳам талабалар қабул квотаси кескин камайтирилади. Шу билан ҳукумат ўзига қарши мавжуд бўлган реал кучни кесиб, қирқиб ташлайди.

Бу аслида Каримов режимининг бу тахлит биринчи жинояти эмас. Навоий кўчасидаги расталарни бузиб, ўрнига бешқаватли чўқинди уйларнинг қурилиши замирида ҳам ана шу ўйин ётибди. Чунки Навоий кўчасида жуда катта “заряд” йиғилган эди. У ерда ишлайдиган бизнесменлар, шу кўчада яшайдиган халқнинг катта қисми ибодатли, давлат ишида ишламайдиган мусулмонлар эди. Уларнинг бу жойда яхлит туриши ҳукуматни кўркувга солди ва у ерни бузиб ташлади. Ҳаммани тум-тарақай қилди.

Каримов Тошкентни янгилайман деб эски шаҳарни, Тошкентнинг энг қадимий ҳудудларини бузиб ташлапти. Мақсад – шаҳар ободонлиги эмас. Балки қадим анъаналар асосида яшаётган халқни ўз қадриятларидан узиб, уларни бир жойдан бошқасига кўчириб, одамларни ўзаро узоклаштиришдир. Бу билан халқнинг бирикиши ва золим ҳукуматни ағдариб ташлаш имкониятини йўқ қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти институти, музейларига барҳам берилди. Юзлаб олимлар ташкил қилган, катта илмий салоҳиятга эга марказларни Каримов ҳукумати битта университетга текиб қўйди. Бу университетнинг квотаси ҳақида эса чоп қилинган маълумотга қараган:

“Ўзбекистон президентининг 13 майдаги қарори асосида ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2016/2017-ўқув йили учун 300 нафар талабани қабул қилади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг



янги ОТМ фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 13 май куни эълон қилинган ҳамда президент томонидан имзоланган қароридан кўрсатилган.

Қарорга кўра, бакалавриятга қабул қилинадиган жами талабаларнинг 150 нафари давлат гранти асосида, 150 нафари эса тўлов-контракт асосида таҳсил олади.

Таълим йўналишлари бўйича қабул квоталари:

Ўзбек тили филологияси — 80 (40 — грант/40 — контракт);

Ўзбек тили ва адабиёти — 120 (60/60);

Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти — 100 (50/50).

Янги университет Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг (ТДПУ) Яққасарой тумани, Ўқитувчи кўчаси 103-уй манзилидаги биноларига жойлаштирилади. Университет қаршисида Алишер Навоий ҳайкали қад кўтаради. Ўз навбатида, ТДПУ Чилонзор туманидаги 1-сонли Тошкент педагогика коллежи биносига кўчади.

Эслатиб ўтамыз, янги университет Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети, Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультети, шунингдек, Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти базасида ташкил этилди.

Университетга 2015 йилнинг июнидан Ўзбекистон Миллий университети раҳбари сифатида ишлаб келган филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирождидинов ректор этиб тайинланди”.

Ўзбек филологияси факультетининг ўзига бир пайтлари 150 – 200 талаба қабул қилинган.

Низомий педуниверситетига эса 300 дан ошқ талаба ўқишга кира оларди. Бугун замонавий тилшунослик ва адабиётшунослик мутлақо янги ўзанлардан ривожланиб бораётганда бу қадар торлик қилишнинг ўзи Каримов ҳукуматининг асл башарасини очмоқда. Чунки бу ҳукумат ижтимоий билимдонлардан – филологлардан, ҳуқуқшунос, сиёсатшунослардан ўлгудек кўрқади.

Эй золимлар!

Сиз бугун ҳамма иш бизнинг қўлимизда деб ўзингизни хурсанд қиласиз. Одамларни қийнаб, бу ҳолатдан ифлос қалбингиз ҳузурланади. Қорнингиз тўйиб қаппайиши учунгина, шаҳватингиз қониши учунгина миллионлаб одамларни овораю сарсон қиласиз. Бу билан ўзингизни буюк деб, улуғ деб биласиз. Аслида эса эртага қоп-қоронғу қабрга киражаксиз. Шу танангиз айниб, сасиб ётади. Қурт ва кумурсқалар сизнинг ҳар парча гўштингизни чайнайди. Унга қадар беҳад чексиз қотилликларингиз учун, одамларнинг тўқилган кўзёшлари учун, ҳақиқатга қарши курашиб уни йўқотишга интилгангиз учун – ҳамма-ҳамма қаттол ишларингиз учун жавоб беражаксиз. Сиз берадиган жавоб бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам оғир бўлади. Сиз ҳар бир зулмингиз билан тавба эшикларини, мағфират қопқаларини беркитиб, тамбаллаб, очилмайдиган қилиб ташлаяпсиз.

Сизга ўхшаганларни дунё минглабини кўрган. Сиз ўшаларнинг биттасисиз. Сиз талваса билан курашасиз, биз эса сизни хотиржамлик билан даф қиламиз. Қўлимизда қурол йўқ, аммо қалбимиздаги ҳақиқат сизни даҳшатга солади. Зотан, сиз тутган қуролни бизнинг қалбимиздаги қудрат синдиради.

Бизнинг кўзларимиз сизга тикилса, дош беролмайсиз. Чунки сиз ҳақиқат кўзига тик қарашдан кўрқасиз.

Мазлумларни қўрқитдим деб ўйламанг, жонидан тўйган халқ шундай кўзғаладики, қочгани жой тополмай қоласиз.

Бу кунлар яқин қолди, иншаОллох.

Биз ҳеч қачон умидимизни сўндирмаймиз. Эй золимлар! Сизларда эса умид ҳам, ишонч ҳам йўқ.

Абдуллох Нусрат

Ўзбекистонликлар, уларнинг офшор ширкатлардаги пуллари ва хориждаги мулклари борасида охириги вақтда матбуотда пайдо бўлаётган хабарларнинг бир учи Шотландияга келиб тақалди.

Латвия ва Шотландия журналистлари ўтказган текширувларга кўра, Ўзбекистон президенти рафикасининг жияни Акбар Абдуллаевнинг Ригада кўплаб миллионларга сотиб олган мулки устидан келиб чиққан тортишув Шотландия маҳкамасида кўриб чиқилган.

Лекин Шотландия офшор худуд эмас-ку, қандай қилиб у ерда ҳатто



Шотландияда ўзбек фуқаролари иштирокидаги офшор ширкатлар қандай пайдо бўлган

ўзбек фуқаролари иштирокидаги офшор ширкатлар пайдо бўлган?

Бундан ташқари нима учун айнан Ўзбекистон фуқаролари билан боғлиқ ширкат фаолияти журналистик тадқиқот эътиборига тушди?

Дастлаб, Шотландия маҳкамасида очилган иш тафсилотларига назар ташласак.

The Herald рўзномасида Шотландиядаги ўзбекиши борасида мақола чоп этган журналист Дэвид Лискнинг айтишича, Шотландияда мутлако номаълум шахс бўлган Акбар Абдуллаев бу ерда қайд қилинган офшор ширкати орқали Ригада икки меҳмонхона сотиб олишга ҳаракат қилган.

Brook Organisation дея номланган бу ширкат Шотландиянинг ҳеч ким билмайдиган кичиккина бир қишлоғидаги уйда қайд қилинган ва амалда фақатгина қоғозда мавжуд. Бу мутлако офшор ширкат ва Шотландияда ҳеч қандай фаолият олиб бормади.

Аммо, Дэвид Лискнинг айтишича, Шотландияда бу ширкат билан боғлиқ маҳкама ҳужжатларида Акбар Абдуллаевнинг исми тўғридан-тўғри келтирилмаган.

Шундай экан, Латвиядаги тортишув келиб чиққан мулклар айнан унга тегишли бўлган, деб не қадар қатъият билан айта оламиз?

Бу саволга жавоб излаш жараёнида, Латвиядаги офшор ширкатлар фаолияти юзасидан тадқиқот ўтказган Инга Спрингега мурожаат қилдик.

Унга кўра, Акбар Абдуллаевнинг Латвияда қатор кўчмас мулкларга

эғалик қилгани ҳақида қатъий ҳужжат ва далиллар бор.

«Бизнинг кўлимиздаги энг қатъий далил бу Латвия кўчмас мулкка эғалик қилиш маркази ҳужжати. Бу ҳужжатларда Акбар Абдуллаев жисмоний шахс сифатида Ригада бир квартира ва Юрмалада, денгиз бўйидаги бир йирик уйга эғалик қилиши кўрсатилган».

Инга Спрингега кўра, бу квартира ва уйнинг умумий баҳоси 1.5 миллион евро атрофида. Бу иккала уй ҳам Акбар Абдуллаевнинг қамоқда эканлигига қарамай, хануз унинг номида. Ушбу ҳужжатларга кўра, Акбар Абдуллаев Ригадаги квартирани 2006 йиллар атрофида, Юрмаладаги уйни эса 2012 йилларда сотиб олган.

Энди Акбар Абдуллаевга тегишли эканлиги айтилган Ригадаги икки йирик меҳмонхона масаласига келсак. Бирининг нархи 10 миллион, иккинчисининг нархи 8 миллион евро бўлган ва Шотландиядаги маҳкамага «етиб келган» бу мулкларнинг эғаси сифатида Акбар Абдуллаев қачон ва қаерда қайд этилган?

Латвиялик тадқиқотчининг айтишича, бу меҳмонхоналарга эғалик йиллар мобайнида бир неча мартаба ўзгарган бўлса ҳам, унинг қўлида Акбар Абдуллаев бу меҳмонхоналарни офшор ширкатлари орқали сотиб олганини тасдиқловчи қатъий далиллар бор.

«Дастлаб бу меҳмонхоналарни у бир латвиялик аёл бизнес ҳамкори билан сотиб олган. Улар 50-50 асосида уларга эғалик қилишган. Меҳмонхоналарга эғалик бир неча бор ўзгарган. Бир муддат Абдуллаев

уларга ягона эғалик қилувчи шахс сифатида кўрсатилган ва бошқа пайтда меҳмонхоналар тегишли бўлган ширкатнинг эгаларидан бири сифатида кўрсатилган. Менинг кўлимда бунини кўрсатувчи ҳужжатларнинг нусхалари бор».

Демак, масаланинг ҳозирча икки жиҳатини аниқ. Бири Латвиядаги йирик мулкларнинг Акбар Абдуллаевга тегишли эканлигини кўрсатувчи ҳужжатлар мавжудлиги ва бу мулклардан баъзиларига у Шотландияда қайд этилган «офшор» ширкат орқали эғалик қилганлиги.

Нима учун Шотландия?

Шу ерда яна бир савол туғилади. Нима учун Акбар Абдуллаев жаҳонда мавжуд бўлган кўплаб офшор худудлардаги ширкатлар эмас, Шотландияда тузилган ширкат орқали иш кўришга қарор қилган?

Дэвид Лискнинг айтишича, Шотландияда «офшор ширкатлар» соҳасида бутун бошли бир саноат вужудга келган.

«Шотландияда офшор ширкатларни тузиб чиқувчи бутун бошли фабрикалар бор. Бу офшор ширкатлар кейинчалик Якин Шарк, Шаркий Оврүпо ва Марказий Осиё мамлакатларига сотилади. Уларни офшор, деб юритасалар ҳам булар оддий икки ёки ундан кўпроқ шахслар томонидан тузилган кўшма ҳамкорлик ширкатиدير. Лекин бу ширкатларнинг эгалари анъанавий офшор худудларда бўлсалар, уларни офшор ширкат

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

дея санашади. Бу Шотландиядаги қонушлиликда мавжуд бўлган бир дарча.

Шунинг учун ҳозирда бу ерда шундай хавотир борки, хорижий «сармоядорлар» бизларнинг қонундаги бу дарчадан суистеъмол қилмоқдалар. Ўз мамлакатларидаги солиқлардан қочиш ёки ноқонуний йўлда топилган пулларни бу ердаги ширкатлар орқали яширишга уринмоқдалар».

The Herald рўзномаси журналистининг айтишича, бу ширкатларни худди шу йўлда реклама қиладилар.

«Шотландияда қайд этилган офшор ширкати сотилади» қабилидаги рекламаларни Украинада, Молдова, Қибрис ва Болтиқ бўйи мамлакатларида кўриш мумкин экан.

«Бу ширкатларни воситачилар сотиб олиб, қоғоздагина мавжуд сохта ширкатларни яратадилар. Дейлик, Ўзбекистонлик шахс бу ширкатни воситачи орқали сотиб олади ва унинг исми ҳеч қаерда қайд этилмаган бўлади. Хуллас, ширкатнинг расман қайд этилган эгаси Ҳинд уммонидаги бир мамлакатда яшовчи Тошкент ёки Самарқандда ҳеч ким танимайдиган уй бекаси бўлиши мумкин, асл эгаси эса Ўзбекистонлик бўлади».

Бу «офшор ширкат саноати»нинг Шотландиядаги миқёси юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган журналистларнинг айтишларича,

охирги йилларда бу каби хизматларни таклиф этишда йирик ўсиш кузатилган.

Молиявий бўҳрон ва Royal Bank of Scotland фаолияти ҳақида китоб муаллифи Иян Фрейзернинг Би-би-си билан суҳбатда айтишича, «Масъулияти чекланган ҳамкорлик ширкати» ҳақидаги қонун Шотландияда 100 йилдан аввалроқ таъсис этилган.

«Шундан кейин ўтган 100 йил ичида, дейлик 2007 йилларга қадар ҳаммаси бўлиб бу каби 6 500 ширкат тузилган. 2008 йилга келиб эса бу каби ширкатларни тузишда, таъбир жоиз бўлса, портлаш рўй берди. Ҳозирда йилига 4-5 минг бу каби ширкат қайд этилмоқда. Улардан 90 фоизи офшор ҳамкорлари билан. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бу ширкатларнинг «ҳамкорлари», яъни асл эгалари офшор худудларда яшайдиган шахслардир».

Офшор савдосидаги ширкатлар

Иян Фрейзернинг бу ширкатлар фаолияти бўйича бошқа журналистлар билан ўтказган тадқиқоти шуни кўрсатганки, уларнинг молиявий фаолияти ўта мавҳум. Биринчидан уларнинг асл эгалари кимлигини аниқлаш мушкул.

«Уларнинг қоғозларидан ҳеч нимани уқиб бўлмайди. Харжлари қанча, фойдалари қандай, пуллари кимга теккан. Чунки бу ерда қайд этилган ширкат бу шунчаки қобик ширкат, ўртада бошқа ширкат

бор, ундан кейин бошқаси. Биз бунини русларнинг матрешкасига ўхшатсак бўлади. Бирини очсанг, ичидан бошқаси чиқиб келаверади. Фақатгина Панама ҳужжатлари, ёки Молдованинг уч йирик банкдан миллионга яқин долларни қаллоблик йўли билан олиб чиқилиши каби текширувлар орқали биз Шотландиядаги ширкатларнинг роли ва миқёси ҳақида маълумотларни олаёмиз».

Иян Фрезернинг айтишича Британия ҳукумати офшор русумида иш юритувчи ширкатларга қарши кампания бошлаган.

Лекин ўтган йили Бош вазир Дэвид Камерон ҳамкорлик ширкатлари борасида янги чеклов ва қоидаларни эълон қилган вақти, Шотландияги бу каби ширкатларни унга киритмаган.

Аммо ўтган йилдан бери матбуотда бу борада пайдо бўлаётган хабарлардан сўнг Шотландия ҳукуматининг ўзида бу муаммога эътибор қарата бошлаганларининг белгилари бор. Лекин қарши чоралар ҳозирча кўрилмаган.

Бу каби ширкатлардан мамлакатдаги нафақа жамғармалари, баъзида сармоядолар, лозим бўлганда савдо тизимлари мол мулкка эгалик қилиш учун қонуний йўлда фойдаланганлари учун ҳам, уларга қарши ёппасига чора эълон қилишда турли мулоҳазалар мавжуддир.

Манба: bbc.com/uzbek

Бу ёғи энди очиқ хат ёзишга ўтиб кетдикми?

Минг афсуслар бўлсинки, Ҳикматуллох Иброҳим жаноблари «Бу кунлар» асарининг моҳиятига етиб бормабди.

Биз у кишичалик олимликка даъво қилмасак ҳам, бир-икки савол берсак: Ислом Каримов подшоҳми, президентими? Бу иккиси бир-биридан фарқ қиладиларми?

Иккинчидан, агар Ислом Каримовни подшоҳ деб айтсак, бу одам ислом шариати асосида сайланганми? Аммо у ислом шариати асосида сайланмаган ёки тайинланмаган бўлса, унга исломий қоидалар асосида бўйсунуш қанчалик асосли?

Аммо бу одам ўзини президент деб эълон қилган, подшоҳман, султонман демаган. Бу биринчидан.

Иккинчидан, бу одам менга



Ислом Каримов подшоҳми, президентими?

ислом қоидалари асосида бўйсунинглар демаган, балки конституция асосида бўйсунинглар деган.

Энди биз унга муносабат билдиришда ислом шариатига амал қилайликми ёки конституцияга?

Бу одам ислом қоидаларини менсимайди, конституцияни ҳам бир тийинга олмайди. Диндорларни одам сифатида кўрмайди, энди бу ҳолда унга қараб Сизга ислом шариати асосида итоат қиламиз десак, бу қанчалик мантқиққа тўғри келади?

Ислом Каримов масжидларни ёптирди, жамоат жойларида намоз ўқишни тақиқлади, иш жойларида намоз ўқиш мумкин эмас, араб тилини бирор масжид имомига бориб ўрганиш жиноят,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳижоб кийиб давлат ишида ишлаб бўлмади, — бу одам шариатнинг бу ва бу каби минглаб қонунларини оёқости қилди. Энди унга биз нима учун у менсимайдиган шариат асосида бўйсунганимиз керак?

Сиз келтирган оят, ҳадис ва ҳукмлар бутун мамлакатда ислом низоми ҳукм сурган замонларга хос. Аммо бугун бизнинг мамлакатда ислом низоми эмас, якка бир одамнинг истаклари ҳукм сурмоқда.

Агар Ислом Каримовни исломий бир подшоҳ ёки султон деб билсак, у демократияни эмас, ислом шариатини бош мезон қилиб белгиласа, демак, Сиз айтган қонунларга, ҳукмларга сўзсиз итоат қилиш керак, бирок аксинча бўлсачи? Шунда ҳам Сизга кўнайликми?

Каримов ўзи танлаган демократия президентни истаган пайтда халқ давлат тепасидан олишга ҳуқуқ беради. Иккинчидан, президент рухсат берган қонунга мувофиқ уни танқид қилиш мумкин. У рухсат берган доирада ҳаракат қилишдан ислом дини бизни қайтарадими?

Агар бу одам шу тарика ҳукуматда узоқ йил ўтирар экан, уни ағдариб ташлашга ҳам тайёр бўлганлар бор. Уни мансабдан тушириб бошқасини ўтказиш ҳам мумкин.

Фитна масаласига келсак. Подшонинг ўзи фитнага имкон туғдириб берса, нима қилайлик?

«Бу кунлар» китоби одамларга ўзингизни ислоҳ қилинг деган гапни айтган, Каримовнинг «сирлари» эса сирлигини йўқотган. Буни ҳамма биларди. Китоб қилиб ёзиш, сиз айтгандек «жааа» ғийбат эмасдир. Мавжуд воқелик ҳужжатлаштирилган.

Кейин Нуруллоҳ ака китоб хотимасида агар уруш бўлиб қолса — Оллоҳ кўрсатмасин — шу Ислом Каримов билан бир сафда Ватанни ҳимоя қиламан деб ҳам айтган.

Агар халқ Каримовга сен қаридинг, бошқа одам керак бизга деб тушунтирса, бунинг ёмон томони борми?

Нуруллоҳ аканинг бу китоби халқнинг ана шу хитобидир.

Қисқаси, очиқ хатингиз нима учун пишиқ ва пухта эмас. Китоб олдида у кўзга кўринмаяпти ҳам...

Мухсин Солих

“Юриш” қандай давом этапти?

Яқинда Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайтида “Юриш бошланди” деган мақолани эълон қилган эдик. Биз мақолада айтган факторлар айна ҳақиқат эди. Аслини олганда, бу курашни бир усули. Чунки Ўзбекистон МХХнинг режалари, ишларини фош қилиш уларнинг бу ёвузлигини бир қадар кечиктиради ёки бекор қилишига сабаб бўлади. Сабаби, агар улар биз айтгандек ўша ишларини амалга оширишса, бизнинг фактларни тасдиқлаган, яъни МХХда Халқ ҳаракати вакиллари борлигини тасдиқлаган бўладилар.

Шунинг учун биз МХХнинг режа ва қилмишларини фош қилар эканмиз, иложи борича биз айтган ишларнинг тескарисини қилиш билан бизнинг гапимизни чиппақка чиқармоқчи бўлишади. Аслида, бу билан улар бизнинг — Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг йўригидан

юришади.

“Юриш” бошланган эди. Аммо у тўхтатилди. Чунки одамлар ўртасига безовталиқ кирди. Агар “юриш” кескин давом этса, унинг хабари Ўзбек муҳолифати сайтида пайдар-пай эълон қилинса, бу халқнинг кўтарилиб кетишига сабаб бўлиб қолар эди. Ўзбек ҳукумати шу жиҳатдан кўрқди ва бу операциядан воз кечди ёки уни орқага сурди. Қолаверса, шу кунларда Тошкент Шанхай ташкилоти раҳбарларини кутиб олиш арафасида. Ҳар қалай, бу арафада халқни тинч ушлаб туриш керак. Шунинг учун озгина бағрикенглик қилинса зарар эмас.

Дарвоқе, ҳукумат кўрққани сабабли талабаларни ҳам муддатидан илгари — 10 июнгача уй-уйларига жўнатиб юбораётгани ҳам бежиз эмас.

Вазиятни кузатиб борамиз.

Абдуллоҳ Нусрат

“Ўзбекавтосаноат” иши бўйича яна 50 киши сўроққа чақирилди

Тафтишлар GM Uzbekistan корхоналарини фалаж қилди.

Жорий ҳафтада Асакадаги машина заводида яна 50 киши сўроққа тортилиб, шаҳарни тарк этмаслик борасида имзо чектирилди.

Бундан олдин ўнлаб кишилар GM Uzbekistan ширкатидаги жиноий схемаларда айбланиб ҳибсга олинган эди. Озодлик радиосига кўра, қўлга олинганлар орасида Ўзбекистон МХХ раисининг қудаси, Ўзбекистон Солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиевнинг яқинлари бор.

Машина жанжали бошланганидан бери ўтган бир ой ичида GM Uzbekistan бошқарувининг таъминот бўйича ўринбосари Равшан Искандаров ва унга кўмаклашган Зайнобиддин Низомов қамалган эди.

2010 йилдан бери ўзбек автоконцернини бошқараётган ва айна пайтда «Ўзавтосаноат» ҳиссадорлик ширкати бошқарув раиси ўринбосари бўлган Тоҳиржон Жалилов товламачилик йўли билан ширкат пулларини ўзлаштирганликда гумонланиб, ўтган ойда ҳибсга олинган эди.

Жалиловнинг GM Uzbekistan корхонаси ишлаб чиқарган машиналарни Россияга экспорт қилишда ноқонуний схемалар ёрдамида катта миқдордаги маблағларни ўзлаштирганлиги ҳақида Eltuz.com ёзган эди.

Айни пайтда муфаттишлар Қозоғистон ҳудудида жойлашган ва жиноий тўдалар тилида “отстойник” деб аталган автожамлоқни кўздан кечиртиришган.

Ўтган бир ой ичида жамлоқдаги машиналар сони озайгани айтилди.

Муфаттишларнинг дрон учкич кўмагида олган суратларида автожамлоқдаги машиналар сони уч мингдан сал озроқ экани аён бўлди.

Атиги бир ой олдин бу жамлоқдаги машиналар сони икки баробар кўп эди.

Eltuz.com муҳбирига маълум бўлишича жамлоқдаги Ravon русумли автомобиллардан 200 таси шу кунларда Россиядаги ҳаридорлар қўлига етказилган. Улар пулини олдиндан тўлаб кутиб ўтирган ҳаридорлар экани айтилади.

Рассом Туз

Манба: Eltuz.com

TACKLING CORRUPTION IN UZBEKISTAN: A WHITE PAPER



Ўзбекистонда норасмий қарор қабул қилиш, хуфёна келишувлар ва мустақил текширув бўлмаган муҳит ҳукм сурмоқда

Open Society Foundations ташкилоти «Ўзбекистондаги коррупцияга қарши кураш» номли ҳисобот чиқарди. Ташкилотнинг мазкур ҳисоботида коррупция билан боғлиқ муаммолар ёритилади ва улар қандай қилиб Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий турмушида илдиз отгани таҳлил қилинади.

Жорий йил февралда Амстердамда жойлашган «Вимпелком» (Vimpelcom) ширкати Ўзбекистонда бизнес юритиш учун пора тўлаганликда айбдор топилиб, АҚШ ва Голландия ҳукуматларига қарийб 800 миллион доллар жарима тўлади.

Мазкур ишдан ташқари Ўзбекистонда бизнес, бошқарув ва иқтисодга путур етказётган коррупция бўйича қатор бошқа халқаро терговлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистонда норасмий қарор қабул қилиш, хуфёна келишувлар ва мустақил текширув бўлмаган муҳит ҳукм суради. Бу шароит тобора ўсиб бораётган тенгсизликка ҳисса қўшади ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий раҳбарлари ўртасидаги қудрат учун курашни авж олдиради. Буларнинг бари мамлакатнинг узоқ муддатли барқарорлигига таҳдид солади”, — дейилади ҳисоботда.

Ҳисоботда айтилишича, Ўзбекистон ҳукуматининг коррупцияга қарши амаллари иш бермаган. Аксинча, ҳисоботга кўра, бу қонунлардан мансабдор шахслар кимдандир қутулиш ё ўч олиш учун фойдаланади. “Ҳукумат коррупцияни ёритмоқчи бўлган фуқаролик жамияти фаоллари ва мустақил журналистларнинг

овозини сўндириш учун уларни босим остига олади, судга тортади ва қамайди”, — дейилади ҳисоботда.

Ҳужжат муаллифи Дейвид Люиснинг ҳисоботда ёзишича, хорижий сармоядорлар Ўзбекистонда мураккаб лицензиялаш тизими, мужмал солиқ қонунлари ва ўта чекланган чегара-оша савдо ва валюта қоидаларига юз тутадилар. Мазкур бюрократик тизим порахўрликка замин яратиб, хорижий сармоялар истиқболига зарар етказди ва маҳаллий тадбиркорликни бўғди.

Коррупциядан, ҳисоботга кўра, Ўзбекистондаги ҳукмдор доира ўзини бойитиш ва хўжайин-мижоз тармоқлари орқали сиёсий назоратни ушлаб туриш учун қўлланади. Халқаро молиявий идоралар, БМТ ва Оврўпо Иттифоқи тўғри бошқарув бўйича турли дастурлар ташаббуси билан чиққанлар, аммо Ўзбек ҳукумати ислохотлар бўйича ташқаридан қилинадиган босимларга қарши чиқиб келди, дейилади ҳужжатда.

Шундай экан, Ўзбекистон дунёда порахўрликка энг чуқур ботган мамлакатлар орасида қоляпти. Халқаро Транспаренси ташкилотининг йиллик ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 168 та давлат ичида 153-ўринни олган. Жаҳон банкининг ҳисоботида ҳам у энг коррупцион 10% давлатлар гуруҳига киритилган.

Ҳисоботда айтилишича, қудратли тармоқларни қаттиққўл президентнинг ўзи бошқаради. “Президент ким сиёсий ва иқтисодий захираларга эғалик қила олиши ва ким ниҳоят қудратга эга бўла олишини ҳал қилади. Бу

каби тизим доирасида коррупцион амаллар қоидадан ташқари ҳолат эмас, балки қоидага айланган”, — дейди муаллиф.

Ўзбекистонда, ҳисоботга кўра, ижтимоий фикр камдан-кам ҳолда сўралади. 2013 йилда ҳукумат Савдо ва саноат палатаси Бош прокуратура билан 10 минг ишбилармон орасида коррупция ва бизнес муҳити ҳақида аноним сўров ўтказганини даъво қилган, аммо бу сўровнинг натижалари оммага тақдим қилинмади.

Ҳужжатда ёзилишича, Ўзбекистонда коррупцияни сиёсий қудрат тизимидан айри ҳолда таҳлил қилиб бўлмайди. Президентнинг оила аъзолари аралашган охириги коррупция машмашалари узоқ ўтмишга эга бўлган сиёсий бошқарув тизими қандай ишлашдан далолат берди, дейилади ҳисоботда.

Ҳисобот Ўзбекистондаги кланлар тизimini ҳам таҳлил қилган. “Қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ва бизнес ришталари қудратли норасмий гуруҳларни келтириб чиқаришда роль ўйнайди”, дейилади унда.

“Вақти-вақти билан вилоятларда коррупция орқали марказий бошқарувдан мустақил тарзда амал қиладиган тармоқлар юзага келади. Марказий ҳукумат маҳаллий мансабдор шахсларни мунтазам равишда ҳайдаш билан бу каби тармоқларни назорат қилишга уринади”, дейилади ҳужжатда.

Унда айтилишича, ҳукуқ-тартибот органлари бизнес можаролари орқали ширкатлар эгалари ёки уларнинг шериклари ва ходимларини “гаров” сифатида ушлаб жазолайдилар.

“2009 йилда Президент Каримов ўз мамлакатига “олигархлар”нинг юзага келишига қаршиликни айтиши ортидан, Ўзбекистон бўйлаб ишбилармонлар мунтазам равишда четлатилганлар. 2010 йилда бир неча таниқли етакчи бизнесменлар судга тортилди. Бу суд ишлари коррупцион амалларга асосланишдан кўра, кўпроқ элита ичидаги қудрат учун курашни акс эттирди”, — дейди ҳисобот.

Ҳисоботга кўра, бу “коррупция билан кураш” кампанияси чоғида президентнинг қизи Гулнора Каримовага боғлиқлиги айтилган «Зеромакс» ширкати фаолияти ҳам тўхтатилди, аммо Каримова хонимни бу можаро айланиб ўтди.

Аммо, 2012 йилда бошланган “тозалашлар”нинг иккинчи раундида Каримова хонимнинг бизнес империяси қулади.

MTS, Uzdunrobita, Coca-cola, TeliaSonera каби ширкатларни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қамраган кўп миллион долларлик машамаларнинг кўпчилиги Гулнора Каримовага келиб тақалди ва, ҳисоботда айтилишича, ниҳоят 2014 йили Швейцария расмийлари пул ювиш тергови эндиликда Гулнора Каримованинг шахсига қаратилганини эълон қилди.

Каримова хонимнинг қатор шериклари иқтисодий жиноятларда айбланиб қамоқ жазоларига ҳукм этилдилар, 2014 йил сентябрида эса унинг ўзи уй ҳибсига олингани айтилди.

Миллиардлаб долларлар ҳақида гап кетар экан, ҳисобот муаллифи ёзишича, бу воқеаларнинг кўп жиҳатлари ноаниқлигича қоляпти ва турлича талқин қилинапти. “Ўзбек расмийлари бу терговлар ва суд ишлари борасида жуда кам маълумот бердилар”, дейилади ҳужжатда.

Аммо, тадқиқотга кўра, бу ҳибсга олишлар турли тармоқлар орасидаги кенгрок қудрат учун кураш контекстида кўрилиши керак. “Айни вақтнинг ўзиде бошқа қудратли гуруҳлар тарқатилди, хусусан Фаргона вилоятида бизнес империясини қурган Президент рафиқасининг жияни Акбарали Абдуллаевнинг йирик бизнес тармоғи йўқ қилинди”.

“2013-2015 йилги ҳибсга олишлар қудратни президент маъмурияти атрофида қайта тўплашга қаратилгани эҳтимоли катта. Бу каби кампанияларга қарамай, сиёсий ва иқтисодий тизимга сингиб кетган коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилаётганига далилисбт йўқ”, дейди ҳисобот.

Унга кўра, солиқ кўмитаси ширкатлар, ноҳукумат ташкилотлар ва шахсларга қарши қўлланилувчи энг кучли қурол бўлиб қоляпти. Ҳатто Гулнора Каримованинг ўзи ҳам ўз ширкатлари босим остига олинган, прокуратура “сеҳрли” солиқ жиноятларини ўйлаб топган.

Ҳисобот якунида Ўзбекистонда коррупцияга барҳам бериш борасида қатор ислохотлар тавсия этилган.

“Мамлакатда коррупцияга қарши курашда қандайдир силжишга эришиш учун ҳам иқтисод, ва ҳам сиёсий тизим ислоҳ қилиниши лозим, мустақил адлия тизими ва қонун устиворлиги ривожлантирилиши керак, матбуотга кенгрок эркинлик берилиб, фуқаролик жамиятига босимлар тўхтатилиши лозим”, — дейилади хулосада.

«Ўзбекистондаги коррупцияга қарши кураш» номли ҳисоботнинг муаллифи-Марказий Осиё масалалари бўйича таҳлилчи Дейвид Люис билан суҳбат:

Би-би-си: Коррупция бутун



бунё бўйлаб тарқалган. Нима учун айнан Ўзбекистон борасида махсус ҳисобот чиқаргансиз?

Дейвид Люис: Эътиборимизни қаратганимизнинг сабабларидан бири — Ўзбекистон коррупцион схемаларга аралашгани борасидаги хабарлар халқаро матбуотда тарқалгани бўлди. Яъни, Ўзбекистонда фаолият юритган қатор телеком ширкатларининг йирик маблағлари Фарб банклари ҳисобларига бориб тушган ва бугунда АҚШ Адлия департаменти Ўзбекистон ҳукумати билан баҳсда мазкур маблағларни ҳибс этишга уринаётгани каби ҳаракатлар. Қисқа қилиб айтишда бўлсак, бу ҳаракатлар ҳозир фақат Ўзбекистонга тааллуқли эмас, Оврўпо оша Америкага ҳам тарқалиб улгурган. Биз бунинг ўзари ришталарини тушунишга уриндик, холос.

Би-би-си: Ҳисоботингизда Ўзбекистонда тарқалган бизнес ва давлат схемалари қандай бири билан мулоқотда бўлгани тушунтириб берилган. Бу ўта мураккаб схема бўлиши керак. Ташкилотингизда Ўзбекистонда коррупцияни енгиш йўлида бирор бир йўриқ ёки тайёр андозалар ишлаб чиқилганми?

Дейвид Люис: Бу жуда ҳам мураккаб иш, албатта. Узингиз айтганингиздек, ҳамма нарса бир-бири билан боғланиб кетган ва ҳаммаси ягона тузумга бориб тақалади. Улар орасида шахсий сектор, бизнес, сиёсий ҳокимият, давлат каби манфаатлар мавжуд, уларни сиёсий ирода бўлмаса осонгина ислохот қилиб бўлмайди. Ўзгаришлар бир зумда содир бўлиб қолмайди, уларга вақт керак. Бирок, Ўзбекистонда биз ислохотлар томон бирор бир силжишни кўрмаймиз ва шунинг учун бу вазиятни жуда аянчли деб айтиш мумкин. Бошқа, постсовет мамлакатларида муаммолар бир хил бэканига қарамасдан, биз бошқарувда структуравий ўзгаришларга гувоҳ бўлаёмиз. Демак, келажакда бу ўзгаришлар йирик илохотларга асос бўлиши мумкин. Ўзбекистонда эса, биз ҳеч қандай ўзгаришларни кўрмаймиз, айрим ҳолларда вазият янада ёмонлашиб кетаяпти. Бу катта нуқсондир. Ўзбекистон ичида коррупция билан боғлиқ вазиятни ўзгартириш учун, сиёсий

ирода билан бирга туб ўзгаришлар ҳам керак бўлади.

Би-би-си: Ҳисоботингизга мувофиқ Ўзбекистон режими шу даражада кўррупцион бўлса, нима сабаб Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Жамғармаси ва қатор бошқа глобал молия муассасалари Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик олиб бормоқда?

Дейвид Люис: Сиз бу саволни уларнинг ўзига йўллашингиз керак. Назаримда, бундай ҳамкорликда ҳам салбий, ҳам ижобий томонлар бор. Мазкур ташкилотлар ҳамма ерда ишлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳамма жойда бўлишни истайдилар. Бошқа томондан, улар ўзбек ҳукумати билан мулоқотни ушлаб туриш орқали, ислохотларни амалга оширишга рағбатлантиришни назарда тутишни хоҳлайдилар. Яъни яқкалаб қўйишдан кўра, танқидий мулоқотда бўлишни афзал кўрадилар. Утмишда айрим халқаро ширкатлар коррупцион ҳаракатларда иштирок этишган ва бу албатта мамлакат учун фойдали бўлмаган. Шунинг учун нафақат ёлғиз Ўзбекистон ҳукумати, балки халқаро ташкилотлар ҳам бу масъулиятни ўз бўйниларига олишлари керак.)

Би-би-си: Панама қоғозлари Путин ва Назарбоев каби давлат раҳбарларининг коррупцияга боғлиқлиги борасидаги иттиҳотларни фош қилган, бироқ Ўзбекистон раҳбарининг номи умуман ҳеч қаерда кўрсатилгани йўқ. Сизнинг назарингизда, Ислон Каримов коррупциядан холи деб айтсак бўладими, яъни у фақат сиёсий ҳокимиятни қўлида ушлаб туришга интилган арбобми?

Дейвид Люис: У ҳамиша кўпроқ сиёсатга берилган президент сифатида танилган. У моддий манфаатдорликка қизиқмаган сиёсий авлоддан келиб чиққан. Унинг бирор бир маблағга аралашгани ҳақида далиллар йўқ. Унинг яқинлари ва мавқеъ учун курашаётган яқин доирадаги амалдорлар коррупцияга боғлиқликлари борасида айрим хабарлар чиқиб туради. Шунинг учун минтақа раҳбарларидан Каримов шу маънода анчайин ажралиб туради. Лекин, энг муҳими, бу билан тизим ўзгармаётгани катта муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки алаалоқибат, бутун муаммо шахсиятларга эмас, тизим ва ислохотларнинг йўқлигига бориб тақалади. Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларига бюджет пуллари етарлича ажратилмаётгани, ойликлар ўз вақтида тўланмаётгани сабаб оддий ўзбеклар азоб чекмоқдалар ва булар бутун иқтисодга катта зарардир.

Манба: bbc.com/uzbek

“Юриш” қандай давом этапти?

Яқинда Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайтыда “Юриш бошланди” деган мақолани эълон қилган эдик. Биз мақолада айтган факторлар айна ҳақиқат эди. Аслини олганда, бу курашни бир усули. Чунки Ўзбекистон МХХнинг режалари, ишларини фош қилиш уларнинг бу ёвузлигини бир қадар кечиктиради ёки бекор қилишига сабаб бўлади. Сабаби, агар улар биз айтгандек ўша ишларини амалга оширишса, бизнинг фактларни тасдиқлаган, яъни МХХда Халқ ҳаракати вакиллари борлигини тасдиқлаган бўладилар.

Шунинг учун биз МХХнинг режа ва қилмишларини фош қилар эканмиз, иложи борича биз айтган ишларнинг тескарисини қилиш билан бизнинг гапимизни чиппақка чиқармоқчи бўлишади. Аслида, бу билан улар бизнинг – Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг йўриғидан юришади.



“Юриш” бошланган эди. Аммо у тўхтатилди. Чунки одамлар ўртасига безовталик кирди. Агар “юриш” кескин давом этса, унинг хабари Ўзбек муҳолифати сайтыда пайдар-пай эълон қилинса, бу халқнинг кўтарилиб кетишига сабаб бўлиб қолар эди. Ўзбек ҳукумати шу жиҳатдан кўрқди ва бу операциядан воз кечди ёки уни орқага сурди. Қолаверса, шу кунларда Тошкент Шанхай ташкилоти раҳбарларини кутиб олиш арафасида. Ҳар қалай, бу арафада халқни тинч ушлаб туриш керак. Шунинг учун озгина бағрикенглик қилинса зарар эмас.

Дарвоқе, ҳукумат кўрққани сабабли талабаларни ҳам муддатидан илгари – 10 июнғача уй-уйларига жўнатиб юбораётгани ҳам бежиз эмас.

Вазиятни кузатиб борамиз.

Абдуллоҳ Нусрат



Мактаб, металл ва макулатура

Бугун Ўзбекистон мактабларида “юқори”дан келган буйруқлар шунақа кўпки, қайси бирини бажаришни билмай ўқитувчиларнинг ўзи ҳам ҳайрону лол. Биринчи синф ўқувчиси 25 кг. металл, 5 кг макулатура, 5 дона баклашка олиб келиши шарт ва зарур деб ҳисоблаган айрим мактаб раҳбарлари кўзига чиройли кўриниб қолган кофта ва юпкани мактаб формаси сифатида жорий этмоқчи.

Тошкент вилоятидаги мактаблардан бирида шу ҳақда йиғилиш ўтказилди. Ота-оналарга матросларникидек ёқаси бор оқ кофта, тахлам-тахлам (плисирофка) шаклда тикилган уч хил форма намойиш этилди ва янги ўқув йилида шу мактаб формаси бўлади.

Хоҳласангиз мато олиб, ўзингиз тиктиринг, бўлмаса синф раҳбарига 60 (олтмиш минг) сўмдан пул йиғиб беринг, битта тикувчига бир хил қилиб тиктириб берамиз, дейилди.

Баъзи ота-оналар бу фикрга қўшилган бўлса, аксарият ота-оналар энг яхши форма оқ кофта, қора юпка эканлигини айтиб ўтди.

— Менинг уч нафар ўқувчи қизим бор, - деди бир она, - хўжайиним ва менинг топишим ўртача. Катта қизимнинг ўтган йилги кийимини ўртанча қизим янги ўқув йилида ҳам кияверади. Ортиқча харажат кимга керак?

Яна бир она “Менинг бир нафар фарзандим бор, сизлар қандай кийинтир” десаларингиз кийинтираверман”, — дейди. Фаол оналардан бирининг фикри эса қуйидагича бўлди.

— Халқ таълими вазирлиги мактаб формаси учун тендер эълон қилиши керак. Совет даврида бўлгани каби, Ўзбекистондаги барча мактабларда бир хил мактаб

формаси жорий этилиши лозим. Биз бугун бу формани тиктириб берсак, эртага бола уни йиртиб ёки дазмол қилаётганда куйдириб қўйса, яна бозорга бориб мато сотиб олиб, кейин тикувчи излаб уни тиктириш учун овора бўламизми? Агар ягона мактаб формаси жорий этилса, махсус фабрикалар ўша кийимларни тикиб, магазин ва бозорларимизни тўлдириб ташласа ҳеч оғринмай ўшани олиб бераверамиз. Боламиз тақдир тақозоси билан бир вилоятдан бошқа вилоятга ёки бир шаҳардан бошқа шаҳарга кўчганда ҳам ўша ернинг мактаб формаси учун ортиқча харажат қилмаймиз.

Ота-оналар ўқитувчилардан директор опа ҳам йиғилишда иштирок этишини талаб қилди. Аммо ўқитувчиларга, яъни қўл остидаги ходимларгагина зуғум ўтказишигина эплай оладиган директор опа ота-оналар билан юзлаша олмади.

Ўқитувчиларнинг ўзи ҳам мактаб учун алоҳида форма қилишга қарши эканликларини, чунки деярли аксарият ота-оналарни бунга қурби етмаслигини айтишди.

Директор тараф бўлган ўқитувчилар эса “Шу мактаб формасига рози бўлмаганлар, боласини бошқа мактабга олиб кетаверсин” деган иддаони ҳам қилишди.

Иштирокчи ота-оналар таълим олиш ҳуқуқи иккита катта қонунда белгилаб қўйилганлигини, у мутлақо бепул эканлигини айтишди.

Йиғилиш сўнгида мактаб таъмири учун болалардан 10 минг сўмдан пул бериб юбориш ҳақида ота-оналарга эслатилди...

Адолат Тошканбой қизи
Манба: bbc.com/uzbek

Кўрқоқнинг қўшиғи ёки латтабайроқлар ҳақида

Кейинги икки ой ичида гаплашганим юзлаб ўзбеклар «бизга эркинлик керак эмас қорнимиз тўйса бўлгани» дея бир ҳил гапни турли тарзда айтишди.

«Россия бизни босиб оладими, байроғимизни юлиб олиб ерга ташлаб, бизни кул қиладими бизга барибир. Қорин тўк чўнтак бут бўлса бўлгани» дейишди.

Улуғ шайх Ғаззолий одам билан ҳайвонни солиштиради: «Ҳайвон қорни очса овқат ейди. Чарчаса ухлайди. Ҳирси кўзиса жуфтига кўшилади. Одам ҳам аини ишларни қилади. Аммо унда бир фарқ бор, у ҳам бўлса ақл заковатдир.»

Ғаззолий ўлчовига кўра «фақат қорним тўйсин» деганлар шунчаки

ҳашаротларми?

«Томимизда кимнинг байроғи хилпираса бизга барибир» деган гапни уялмасдан айтадиган замонларга ҳам етдик.

Марҳум оғамиз Матназар Абдулҳаким ўзининг «Кўрқоқнинг қўшиғи» деган туркумида бугунги манзарани уста рассом каби чизиб кетибди.

Энг муқаддас байроғимиз пул,

Бу майдонда мен эга — сен қул.

Бу майдонда мен қул- сен

эга.

*Қашиқларни эзар бойроқлар,
Кичикларни эзар катталар.*

*Латталардан бўлган байроқлар
Байроқлардан бўлган латталар.*

1986 йилда мен Урганчдаги устахонамда «Шайтанат» деган мазмундаги сурат чизган эдим. (Тохир Малик ҳали бу мавзудаги романини ёзмаган эди.) Бу расмда битлаб кетган байроқни кўтариб кетаётган кўр одам тасвирланган эди.

Ўшанда Матназар оға бу расмни кўриб «Манкуртлар учун тўкин дастурхон байроқ бўла олади» деган эди.

Кейин бу фикрни Матназар оға ўз шеърларида кўп марта «Бу юртнинг байроғи супрадир» дея ифода қилди.

Матназар оға одамлардаги иккиюзламачиликни севмас эди.

Хозиргина «мен Темур

авлодиман, Бобурнинг неварасиман» деб турган одамнинг, бирдан «ўрисга кул бўлсак қорнимиз тўяди, кетни қисган бой бўлади» деб турланишидан Матназар оға ошқора ҳазар қилар эди.

Матназар оғадан байт будир:

*Мақтовларга берилганда эрк,
Гарчи осмонларнинг оймиз.*

*Қарғасалар қарғиш теккудек,
Йўқдир бирор ҳалол жойимиз.*

Матназар оғанинг 2008 йилда ёзган бир шеъри бор.

Бу шеър Ўзбекистонда 2008 йили чоп қилинган «Жавзо ташрифи» деган китобига киритилган.



Бу шеър мамлакат чеккасида кўринмасгина бўлиб ўтирган шоир қалб кўзи билан мамлакат сиёсий вазиятини сиёсатшуносдан кўра аниқроқ кузатганига далилдир.

Агар Ўзбекистонпрезидентининг қизи Гулнора Каримовага ишонилса мамлакатнинг ўғрибошиси президентнинг хотини Татьяна Каримовадир.

Матназар оға ўз шеърида «Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка» дея таъкидлайди.

Бу йўғон ишорат акс этган мисраларни қайта ўқиймиз:

Булбуллар кетгандир бу гўзал ердан,

Бўстонда дард билмай яшайди қарга.

Нолалар чекмайди фиғон тортмайди,

Ўқрайиб ўқрайиб қагиллар гулга..

Заҳарлаб навқирон меросхўрларни,

Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка.

Эслатиб қўяман бу мисралар 2008 йилда ёзилган.

Матназар оға «Заҳарлаб навқирон меросхўрларни, Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка.» деб ёзди.

Гулнора Каримова эса 2013 йилга келиб ўзи ва ўғлининг онаси тарафидан заҳарланганини ёзади.

Матназар оға «Югургани сомонхонагача» бўлган бу халқнинг оғзини лағмонни ипи билан боғлаш мумкинлигини ёзар экан, Каримовлар салтанатининг ўғрилиги боис мамлакат путурдан кетганини «Натижа» деган шеърида

таъкидлайди.

Натижа

Боглар чўл, тоғларинг талқона чиқди

Рост деб айтганларинг ёлғона чиқди

Қаср деб қурганинг молхона чиқди.

Дарҳақиқат ўзбекистон матбуоти мустақиллик қасри дея атайдиган ошиён молхона, унинг сокинлари эса мол бўлиб чиқди.

Ғаззолий айтгандек, қорни очса овқат ейдиган,

чарчаса ухлайдиган, ҳирси кўзиса жуфтига кўшиладиган ҳайвон. Россиядаги кампирларни зўрлаган ўзбек мардикорлар ҳикоясининг эса матбуотда сийқаси чиқиб бўлди.

Бугун марҳум шоир оғамиз Матназар Абдулҳаким шеърляти призмаси орқали кўринган манзара шундай.

Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» спектаклидаги мазлум ролини ўйнаган Амин Турдиев «Ахволимиз томошабоппи» дейди.

Спектаклдаги бу жумла айтилганидан кейин руслар Бухорони ишғол қилади.

Бухоро бир олма каби узилиб русларнинг қўлига тушади.

Чунки амир баччабозлик, овқат ейиш ва ўғирликдан бошқа нарсани ўйламаган.

Чунки муллалар давлатчилик ва миллий манфаатни куфр деб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билишган.

Чунки оддий халқ авом, бойлар жоҳил, аскарлар эса оч бўлган.

Бу давр ҳақида Аваз Утар ёзади:

*Сипоҳи пора истар,
Мулло ижора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму.*

Бу чора “миллатпарварлик” деган сийка калимага жой бўлганига Матназар оға чин дилдан ишонар эди.

Матназар оғанинг энг севган ҳикояси улуг ислом олими Нажмиддин Кубронинг Мўғулларга қарши қўлида курул олиб курашгани ҳақида.

Дин аҳллари ва айниқса сўфийларнинг ўз ичига ёшуруниб миллат учун курашмагани айтилади.

Боз устига муллалар Чор аскарларига Тошкент дарвозасини очиб бергани таъна дашном билан эсланади.

Аммо сўфий Нажмиддин Кубро қўлига қилич олиб босқинчилар билан курашиб ўз давлати ва миллатини ҳимоя қилади.

Тенгсиз курашда Нажмиддин Кубро, мўғуллар санчган ўнлаб найзалар захмидан йиқилар экан сўнг дамда панжалари билан душман байроғин ғижимлайди.

Миллат қахрамони Нажмиддин Кубро ерга йиқилар экан ўзи билан бирга душман туғини ҳам ер парчин қилди.

Матназар оға учун, қолаверса мен каби у кишининг укалари учун бу ватанпарварликнинг гўзал ҳикояси эди.

Гарчи Чингизхон Нажмиддин Куброга кўп пул ҳамда лавозимлар ваъда бериб, эвазига фақат бир нарса, қаршилиқ қилмасликни сўраган эди.

Аммо Шайх Нажмиддин Кубро ўз давлатини босқинчилардан ҳимоя қилишни душман қўлидан эҳсон олиб тирик яшашдан афзал деб билди.

*Бобом Шайх Нажмиддин Кубро қўлида,
Ғижимланиб қолган манфур туғларинг.*

Чириб чириб ётар Урганч йўлида, деб ёзган эди марҳум шоир оғамиз.

Бугун душман қўлидаги байроқни юлиб олишга жасорати етадиган эл оғаси борми орамизда?

Шухрат Бобожон

Ички ишлар вазирлиги порахўрлик бўйича биринчи

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ижтимоий тармоқлардаги ўзбекистонликлар орасида ўтказилган мустақил сўров хулосасига кўра, мамлакатда энг коррупциялашган тизимлар ИИБ, суд, прокуратура ва уларга кадр тайёрловчи ўқув даргоҳларидир. Сўралганлар порахўрлик бўйича давлат идоралари орасидаги биринчиликни Ички ишлар вазирлигига, ўқув даргоҳлари орасидаги пешқадамликни эса Юридик университетига бердилар.

Коррупционерларнинг аксарияти ИИВда

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида Ўзбекистонда ягона сўров маркази бўлиб қолаётган «Ижтимоий фикр»нинг алвон сўровларига муқобил тарзда мустақил сўров ўтказилди.

AsiaTerra блогида эълон қилинган хабарга кўра, «Ўзбекистонда қайси соҳада коррупция/давлат ғазнасида пул ўғирлаш авж олган?» деган саволга жавобан иштирокчиларнинг асосий қисми «Ҳамма соҳаларда», деб жавоб берган. Сўров натижаларига кўра, мамлакатдаги энг коррупциялашган тизимлар рўйхатидаги биринчи ўринни ИИБ тузилмалари, иккинчи ўринни эса олий таълим, кейин солиқ хизмати, суд, сўнгра тиббиёт соҳаси эгаллаган.

Сўровни уюштирганлар энг коррупциялашган ИИБ тузилмалари қайсилар, деган саволни берган ва натижаларга кўра, респондентларнинг аксар қисми — Паспорт столлари, Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари, Давлат автомобиль инспекцияси ҳамда участка нозирларини санаган.

Олий ўқув юртлари орасида эса энг коррупциялашган муассаса сифатида Тошкент Давлат Юридик университети тилга олинган. Кейинги ўринда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетлари саналган.

Энг катта хавф — коррупция ва қашшоқлик

Сўров ташкилотчилари яна бир

муҳим саволни ўртага ташлаган: «Ўзбекистон учун асосий хавф нима?»

Респондентларнинг асосий қисми «Ўғирлик/коррупция/қашшоқлик», деган жавобни белгилаган. Иштирокчиларнинг қарийб чораги «Террорчилар («Исломий давлат», Ўзбекистон Исломий ҳаракати, Ваҳҳобийлар) деган жавобни белгилаган. Яна чоракка яқини «АҚШ/НАТО» деган жавобни белгилаган.

Сўров иштирокчиларига жавобларини шарҳлаш имкони ҳам берилган ва аксар шарҳлар мазмунига кўра, Ўзбекистонда энг коррупциялашган соҳалар — ИИБ, суд ва прокуратура органлари бўлғуси кадрларни етказиб берадиган таълим даргоҳларидан то бу идоралар раҳбариятига қадар порахўрлик ботқоғига ботган.

Ташаббусчилар

AsiaTerra блогида натижалари эълон қилинган бу сўровни ҳозирча ким ўтказгани очикланмаётир.

Блог муаллифи — ўзбекистонлик мустақил журналист Алексей Волосевич бу яхши ташаббусни бўғмаслик учун ижтимоий тармоқларда иш бошлаган гуруҳ номини ошкор қилмаётганини айтади:

— Ўзбекистондаги ягона сўров ўтказувчи марказ борлиги ва бу «Ижтимоий фикр» марказининг буюртма асосидаги сўровлари, Ўзбекистонда аҳолининг 96 фоизи ҳукумат сиёсатини тўлиқ қувватлайди, деган ёлғонларидан зериккан айрим кишилар ижтимоий тармоқлардан бирида ўзларининг мустақил сўровини ўтказишга қарор қилишди. Агар уларнинг кимлигини очикласак, шу заҳотиёқ уларнинг саҳифаси блок қилинади ва фуқаролик жамиятининг бундай нодир ташаббуси бўғилади. Зеро, бунга кўп бор гувоҳ бўлганмиз, — дейди Волосевич.

Журналист сўров натижалари ўзига йўллангани ва иштирокчилар давлат назорати остидаги «Ижтимоий фикр» марказига параллел равишда, мустақил тарзда ўтказилган натижалардан жамоатчиликни хабардор қилишни сўраганини айтади:

— Агар хотирам панд бермаётган

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бўлса, Ўзбекистондаги ягона «Ижтимоий фикр» маркази энг актуал бўлиб турган коррупция соҳасида яқин-атрофда сўров ўтказмаган. Ҳар ҳолда мен эслолмаяпман. Расмий матбуот ҳам бу ҳақда қарийб гапирмайди. Тўғри, кейинги пайтда порахўр амалдорлар ушланди, судланди, мазмунида хабарлар кўпайган. Лекин булар, асосан, туман даражасидаги амалдорлар, узоғи билан туман ҳокими даражасидаги амалдорлардир. Ёки бўлмасам, махсус буюртма асосида онда-сонда танқид қилинадиган вилоят ҳокимлари бўлиши мумкин, — дейди Волосевич.

Журналистга кўра, мустақил



тарзда ўтказилган сўров методи жудда оддий — ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига саволлар берилган ва улар жавобларни белгилаган ҳамда ўз жавобларини шарҳлаган. Ҳозирча бу сўровда бир неча юз иштирокчи қатнашгани айtilмоқда.

«Ижтимоий фикр» коррупцияни ўрганган
«Ижтимоий фикр» марказидан

олинган маълумотга кўра, марказ ҳар йили айнан коррупция масалаларига бағишланган сўров ўтказади.

Марказ раҳбарияти сўровлар эркин ўтказилиши ва респондентлар ҳам мутлақо тасодифий тарзда танланишини айтади.

Айнан коррупция масаласида шу кунларда ушбу марказ ҳам сўров ўтказаетгани ва унинг натижалари май ойи якунида матбуотга эълон қилиниши айtilди.

Мустақил социологлар «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказини илмий муассаса сифатида тан олмайди. Улар фикрича, мазкур марказ ҳокимиятнинг буюртмасини бажарадиган идорадир.

ЎХХ хабарлар бўлими

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг «Бу кунлар» асари жанр жиҳатдан бироз мубоҳасали. Чунки муаллифнинг ўзи унга қисса, роман ёхуд бошқа бирор номни тавсия қилмаган. Лекин адабиётшунослар бирор асар яратилдими, албатта, бирор жанрга — гуруҳга мансуб деб баҳолашга ошиқадилар.

Ёзувчининг бу асари бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг муҳокама этилмоқда. Озодлик радиосининг «Курултой» дастурида Абдулла Искандарий ҳам буни қайси жанрга оид деб атасак экан деди. Муаллифнинг бу хусусда ББСга берган интервьюси эса ютуб каналида навбати билан қисмларга бўлинган ҳолда эълон қилиб борилмоқда.

Биз асарнинг кайфияти, услубидан келиб чиқиб уни роман деб аташ таклифини берамиз. Роман жанрига мансуб асарнинг критериялари ҳақида жуда кўп баҳслар юради. Бу баҳслар ичида рус адабиётшуноси Михаил Бахтиннинг қарашлари фундаментал асосларга эгаллиги билан ажралиб туради. Олим роман энг яшовчан жанр, унда барча замон ва маконни, барча характердаги одамларни ва турфа тасвирларни учратамиз, роман табиатида кўра қолипларга сиғмайдиган бир жанрдир деб айтган.

Қисса эса воқеликни романга нисбатан торроқ диапазонда баён қилади. Унинг қамрови кичикроқ. Ҳикоя эса ўз шакли ва елкасига оладиган ғоявий юки жиҳатидан, албатта, роман деб аталмайди. «Шарқ юлдузи» журналида ёзувчи,

«БУ ҚАНДАЙ КУНЛАР?»

шоир ва олим Улуғбек Ҳамдам «Наъматак» деган мини-роман эълон қилди. Ўзбек адабиётшунослари бу асарни ўзларича таҳлил қилишган бўлди, аммо қатъий бир фикр айтолмадилар, бу мини-романнинг моҳиятини очиқлайдиган, унинг устун ва суёт жиҳатлари ёритилган бирор тадқиқот чиқмади.

Демокчимизки, ўзбек адабиётшунослиги Каримов режими исқанжасида тикин тикилган бутилканинг ичига қамалиб қолган. Нафаси қайтиб, хидланиб кетган. Адабиётшунослик талқинлари бир хил. Бу соҳа олимларида бадиий асарга руҳий таҳлил, феноменал, културологик, тарихий, сиёсий ёндашувлар асосида муносабатда бўлиш салоҳияти йўқ. Шунинг учун ўзбек адабиётшуносларининг бир гуруҳи бадиий асарда келган поэтик санъатларни санаб умр ўтказади, бир гуруҳи эса бадиий асарнинг сюжетини қайта ҳикоя қилиб тирикчилик қилади. На ёши катталар, на навқирон адабиётшунослар адабиётга замонавий дунё нигоҳи билан боқадилар! Улар адабиётни ё илоҳийлаштириб олишади, ё битта бурчакка тикиб, камаб кўйишади. Шунинг учун бугун мамлакатда адабиёт ҳам, адабиётшунослик ҳам ўз вазифасини адо қилаётгани йўқ.

Аслида, адабиёт шундай бир қуролки, унинг воситасида азалий ва абадий ҳақиқатлар, улуғ қадриятлар одамлар қалби ва онгига

етказилади. Адабиёт ҳар қандай ҳолда ҳам восита мақомидадир. Уни бу мақомдан кўтариш ҳам, тушириш ҳам мумкин эмас. Агар адабиёт ёзувчи ва шоирнинг ҳадафи ўлароқ белгиланса, шу нуқтадан бошлаб унинг қиймати ерга тушади.

Адабиёт ва сиёсат, адабиёт ва эътиқод ҳаминиша параллел шаклда яшаб келган. Адабиёт ҳар иккала ҳолда бу икки тушунчага дахлдор ва айни пайтда уларга эргашувчи ҳамдир. Гап шундаки, адабиёт сиёсатдан устун турмаси, уни ҳеч ким менсимайди. Адабиётнинг йўналишини сиёсат белгилаб бера бошлаган кундан бошлаб ундан халқ воз кечади, ёзувчи ва шоирларнинг ҳурмати ва эътибори ер билан бир пул бўлади. Аммо қачонки адабиёт сиёсатнинг йўлини белгилаб берса, шу ондан эътиборан унинг даражаси кўтарилади, халқ унга қайтади, ёзувчи ва шоирлар халқнинг энг олд қатламига айланадилар.

Совет даврида адабиёт партиянинг кўғирчоғи бўлиб, унинг ипларини партия сиёсати ушлаб турарди. Ўртада ошкоралик даври ва қайта қуришда адабиёт бу ипларни узди. Лекин тез-орада у Каримов режимининг бичилган қулига айлантирилди. Миллат адабиётининг йирик намояндаларининг ҳаммаси — Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Абдулла Аъзамов, Эркин Аъзамов, Хуршид Даврон, Хайридин Султон,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мирза Кенжабек ва, албатта, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф, Махмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо ва шу сингарилар Каримов режимининг ихтиёрий-ғайриихтиёрий малайлари бўлиб ишлай бошлашди.

Бугун уларни оқлаб берадиган бирор фактор йўқ. Чунки халқ номлари зикр қилинган ёзувчи ва шоирлар золим Каримов ёнида юриб, мукофот олиб, уни мақтовларга кўмишганига гувоҳ бўлиб турибди. Адабиётга умуман алоқаси бўлмаган Каримов адабиётни ўлдирди ва унинг жасадидан ўз қуроли ўлароқ фойдаланишга киришди.

Халқ ёзувчиси, Халқ шоири деб ном олиб давралар тўрида кўър тўкиб ўтирганларнинг аксари ўз мансаби ва хузури учун ўз бурчларини сотишди. Натижа нима бўлди? Шоир ва ёзувчиларнинг обрўси бир пул бўлди. Қайта қуриш даврида Мухаммад Солих Ёзувчилар уюшмасини бошқарган пайтлари ўта юксак мақомга чиққан адабиёт аҳли ўз кадрини билмагани учун балчиққа кирди.

Иккинчидан, шаклланиб келаётган ёш ёзувчи ва шоирлар адабиётнинг вазифаси бизга мукофот ва нишонлар олиб бериш деб ҳаёл қила бошлашди. Адабиёт сиёсатдан бўлак иш деб халқнинг қийналаётгани, маънавий айнишлари устида кўз юмишга ўрганишди. Шунинг учун бугунги ёш ўзбек шоир ва ёзувчи йигитлари фақат йиғламсираб хотинларга ўхшаб шеър ёзишади, бирортаси чакнаб, атрофни ларзага келтириб, одамларнинг дарду ғамини кўрсатиб беришга жасорат топа олмайди.

Учинчидан, адабиёт сиёсатнинг ўйинчоғига эврилгач, унинг туси, ранги, шираси йўқолди. Адабиётга бир гуруҳ тан олинмаган авлод кириб келди. Улар ўғрилар, фоҳишалар ҳаётини акс эттирган асарларини газеталарда нашр қилдириб тирикчилик қилишмоқда. Бу сафга Нуриддин Исмоилов, Азамат Қоржовов, Набижон Ҳошимов, Ҳабиб Темиров кабиларни киритиш мумкин.

Тўртинчидан, университетларда адабиёт факультетларида шиддат, шижоат ва ёруғлик қолмади. Уни фақат майдағалик, ғийбат қамраб олди. Ҳамма шоир ва ёзувчилар бўш қолди дегунча бир-бирларининг

ортларидан гапириш билан кун ўтказишмоқда.

Бешинчидан, адабиётдаги ёшларнинг ҳаммаси куёнорак бўлди. Улар рухсат берилган доирада ирғишлашади, аммо тақиқланган мавзуларга ўта олмайдилар.

Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон 90 йилларда “Оқ бино оқшомлари” деган қиссаси билан машҳур



бўлган. У ўрта йигирма йилликда умуман ҳеч нарса ёзмади ва шу билан ўзини золим Каримов режимига маддоҳлик қилишдан қутқариб ёки бу пасткашлиқдан ўта юқорида турди.

Шундан кейин 2011 йилда “Тафаккур” журналида “Чилла” деган ҳикоясини эълон қилди. Ўзининг айтишича, бу ҳикояни ёзишга уни Тоҳир Малик тарғиб қилган. Ҳикояда яссилик Қул Аҳмад каби ер остига кириб йигирма йил ўтирган одам бош қахрамон. Аслида, бу одам золим режимга қарши қандай курашишни билмаган ва иложсизликдан ер остига кириб қетган кишининг қиёфаси эди. Йигирма йиллик чилла эса Каримов айтган “мустақиллик”нинг суврати эди. Буни машҳур адабиётшунослардан бири алоҳида таъкидлаган эди.

Кейин Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон “Этақдаги кулба” деган ҳикоясини “Шарқ юлдузида” эълон қилди. Ҳикояда оламдан четда қолган қишлоққа бир девонанинг келиши баён қилинган. У қишлоқ бўйлаб “Уйи куйган ким бор! Бахти куйган ким бор!” деб қичкириб юради ва этақдаги кулбада қулоқларига ўргимчаклар уя қурган бир одамнинг қулоғига ўкиради. Қисқаси, бу ҳикоя ҳам ўзини ўзи хароб қилган жамиятнинг рамзий бир акси деб айтиш мумкин.

Яна шуни маълум қилиш мумкинки, адибнинг бу икки ҳикояси ҳам ўзбек адабиётшунослари томонидан бир қадар таҳлилга тортилди.

Ва ниҳоят ёзувчи яқинда ўзининг “Бу кунлар” асарини эълон қилди. Биз юқорида айтган гапларимизни асос сифатида кўрсатган ҳолда бу асарни сиёсий роман деб аташни тақлиф қиламиз.

Романлар қамров жиҳатдан катта вақт ўлчамига, кенг макон чегараларига эга ҳисобланади. Улар

мазмунига мувофиқ маърифий, хронологик, трагик, комедик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Муайян бир даврдаги сиёсий жараёнларни жамият ҳаётига ўтказган таъсири ёхуд жамиятнинг бошидан ўтган сиёсий воқеаларни таҳлил қилган, баён услубида бадиий бўёқдорликни сақлаган, эмоциялар билан суғорилган, айна пайтда, ўткир публицистик руҳдаги, ички яхлитликка, ботиний сюжетга эга бўлган асарни биз сиёсий роман деб атасак бўлади. Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” асари ана шу талабларнинг барчасига жавоб беради.

“Бу кунлар” сиёсий романи ичидан бир қанча бирлаштирувчи чизиклар ўтган. Ёки биз буни асарни тутиб турган устунлар деб аташимиз мумкин. Бу чизикла (ёки устунлар) куйидагилардир: **1) боб ёки фасл атамаси ўрнига қўлланган кўчат сўзи; 2) йигирма йиллик вақтда оралиғидаги Ўзбекистон жамияти, 3) президент Ислоҳ Каримов.**

Бу уч тушунча бутун асар бўйлаб қатнашган. Романнинг бирор саҳифаси ёки боби бу уч тушунчадан ташқарида эмас. Баён этилган ҳар бир воқелик замирида бу уч қахрамоннинг иштироки бор.

Кўчат деган сўз бобларга нисбатан қўлланиши ўқувчиларда дастлаб бироз эриш бир муносабатни уйғотиши мумкин. Аммо бу сўз романнинг моҳиятини белгилаб берадиган бир омилдир. Кўчат – экилади, соя, мева ёхуд камида ўтин беради. Романдаги кўчатларнинг ҳар бирида бу уч ҳосилнинг ҳаммасини олса бўлади. Агар романнинг қисмларини оддий боб ёхуд фасл шаклида кўрганимизда ботинга яширинган бу юкни ҳис этмаган, билмаган бўлардик.

Ўзбекистон жамияти деганимиз

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



Ўзбекистонда яшаб турган, йигирма йилда туғилган ва ўлган, шу замонда умр кечириб келаётган ҳамма тушунлади. Бу ҳамманинг ичида ҳаммамиз бормиз. Сиз ҳам шу ердасиз, биз ҳам шу ердамиз.

Биз ўқиган кўплаб романларда жамиятни муайян қисмларда акс этганига гувоҳ бўлганмиз. Ёзувчилар жамиятнинг бирор аъзоси ёхуд қатламнинг ҳаётини ёритиш орқали бутун жамият ҳаёти ҳақида маълумот беради. Аммо бутун бошли жамият қахрамон сифатида олинган романларни кам учратамиз. Йўналиш жиҳатдан асарнинг сиёсий руҳда эканлиги ҳисобга олинганда ҳам бу фикримиз ўзгармаслиги мумкин.

Ўзбек адабиётида шу чокқача жамият ҳаётини бу қадар теран таҳлил қилган асар Фитрат томонидан ёзилган. Хусусан, унинг “Ҳиндистонлик фаранги ва бухоролик мулланинг мунозараси”, “Раҳбари нажот” каби асарлари шу йўналишда. Яна Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” асарида ҳам айна шу кайфият мужассам.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг романи бу асарлардан ўта изчиллиги, аниқ мақсад йўлидан боргани ва адибнинг шахсий муносабати бўртиб тургани билан алоҳида ажралиб туради. Чунки кўплаб адиблар асарларида ўз фикрларини очиқ бермасдан иложи борича қахрамонлар тилидан гапиришга интилишади, аммо “Бу кунлар”да муаллиф бу йўлни танламаган. Чунки бу сиёсий роман ўз-ўзидан даврнинг маҳсулидир. Одамларга мавжуд ҳақиқатларни бадиий асар билан англашиш

натижаси бир қадар мавҳумдир. Бу ҳақиқатларни бир гуруҳ қатлам тушунади, бир гуруҳ қатлам тушунмайди, аммо “Бу кунлар” услуби айтилиши керак бўлган гапни халқнинг барча қатламига тенг етиб боришини таъминлайди. Модомики, бу йўл турган экан, аниқ ғоя ва фикрни бадиият тўнига яшириб тақдим қилиш шарт эмас.

Адабиётшуносликда шунай фикр бор: адабиётда рамзийлик кучайса, демак, жамиятда босим кучли. Чунки ёзувчи ноҳақликка ошқора исён қилолмагани учун рамзий тил билан гапира бошлайди. Чиндан шундай. Бу ҳодиса бугун ўзбек адабиётига ҳам хос. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг юкорида биз тилга олган икки ҳикояси ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу фикрга шуни қўшимча қилиш мумкинки, жасоратли адиб иймон кучи билан ҳар қандай рамз ва мажоз тўнини ечиб отади ва ҳақиқатни бор қиёфаси билан халққа таништиради. Ҳақиқат, одатда, гўзал бўлмайди. У майиб, мажруҳ, касалманд қиёфада бўлади. Унга қараш қийин. Ундан завқланиб бўлмаслиги мумкин. Унга термилиш инсонни ғамга солиши мумкин. Аммо бу оғриқларга рози бўлмаса, одамзод мақсадига ҳеч қачон эриша олмайди. Агар рамзларга ўраб берсак, ҳақиқатни бу рамзлар девори остидан топишга вақт сарфланади, гўё бу жараён инсонга бир лаззат бахш этади. Лекин бу лаззат уни ҳақиқат учун курашишга, ўша бадбашара ва қўрқинчли ҳақиқатни қафасдан қутқаришга рағбатлантирмаса, ғайратлантирмаса, бунинг ҳеч нафи бўлмайди.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон “Бу кунлар” сиёсий романида ҳамма масалани очиқ-ойдин ўртага қўйди. У адабиётнинг нафислигидан, рамзийлигидан, кўнгилга бир фараҳ бериб завқлантирадиган ўйинларидан ошқора воз кечиб, адабиёт аҳлининг кўзига ўта яланғоч ва тўмтоқ кўринадиган бу йўлдан борди. Чунки бу нарсани даврнинг ўзи, вазиятнинг ўзи талаб қилиб турган эди. Жамиятдаги таназзулни яққол кўрсатиб бериш учун иложи борича яқин йўлдан, у хавfli бўлса ҳам, шу йўлдан юриш керак эди. Ва ёзувчи шу йўлдан юрди.

Мана, асар эълон қилинди, биз уни ўқидик. Энди нима ўзгарди? Одамлар бу асарни ўқиганларидан сўнг уйларида чиқиб Каримовнинг ҳукумати ағдариб, бошқа

бир ҳокимият ташкил қилишга киришдиларми? Нима рўй берди?

Гўёки бир қараганда ҳеч нарса ўзгармагандек. Чунки асарни ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам аввалгидек жим. Одамлар асарни ўқиб бўлгач, компютерларидан ўчириб ташлашяпти. Устига-устак, Ўзбекистон МХХ бу асарни компютер ва телефонлар хотирасидан излашяпти. Ёзувчининг сайтини ҳам тақиқлаб қўйдилар. Албатта, шов-шув кўтарилди. Муаллифнинг жасоратига кўпчилик (жумладан, биз ҳам) таҳсин ўқиди.

Адиб бадииятдан, тўқима асар ёзишдан воз кечиб тутган йўли нимани берди? Эффе́к_т_кани?

Қадим замонларда одамлар тоғ бағридан тилла топиш учун қояни ўйишган. Чўкич билан тошни кўчиришган ва тилла бор деб ўйлаган жойларини очишган. Аммо тиллани бир кунда ёхуд икки кунда топа олмаганлар, табиий. Балки, ойлар, йиллар давомида қоронғу ғорларда чўкич билан тошни ўя-ўя тиллага етиб боришган.

Шу каби жамиятнинг тушунчаси, ҳаётга бўлган қарashi, ёшларнинг жасорати бир кунда ўзгарадиган ва бир кунда шаклланадиган ҳодиса эмас. Чунки бир кишининг ҳаётга, одамларга ва оламга бўлган қарашлари шаклланиши ёки юксалиши тезда рўй бермайди. Балки босқичлардан ўтилгач, бир нуқтага келгач, одамнинг дунёқарashi, қатъий принциплари пайдо бўлади ва инсон ана шу ўзи яратиб олган қоидалар асосида яшай бошлайди.

Ёш йигитлар ва қизларнинг тафаккури шаклланиш босқичида бўлгани ва тўлиб улгурмагани учун уларга таъсир ўтказиш осон. Улар ўз қарашларини осонлик билан ўзгартирадилар. Агар сиз бирор кучни кўрсатсангиз! Бу, эҳтимол, манфаат (бойлик, обрў, шон-шухрат) кучи бўлиши мумкин. Бу, эҳтимол, иймон (садоқат, матонат, жасорат) кучи бўлиши мумкин. Агар сиз буларни ёш йигитга ёки қизга намоён этсангиз, у тезда ўзгариши табиийдир. Бироқ ёши улғайган бир одамга бу икки куч билан ҳам таъсир ўтказиш қийин. Чунки у ҳамма хулосаларни ясаб бўлган ва аллақачон жойлашиб олган ўрnidан бошқа жойга кўчишни истамайди. Унинг дунёқарashини қўзғатиш, ҳиссиётини уйғотиш ва мафкура тутқунлигидан қутқариш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

учун сизда жуда катта чексиз бир қудратни акс эттирувчи белги бўлиши лозим. Шундай экан, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” романи билан жамият ҳаётида, одамлар онгида кескин ўзаришлар, бурилиш бўлиб кетди деб айтиш жуда қийин. Аммо бу асар тилла ахтараётган одамнинг қояга қарата урган энг кучли зарбаларидан бири бўлди дея оламиз.

Инсоннинг ён-атрофга бўлган муносабати аста-секин шаклланади экан, бу йўлда унга ташқи кўплаб омиллар, хусусан, кино, мусика, китоблар таъсир ўтказади. Каримов режимининг ҳалокати, жамиятнинг маънавий таназзулини ўзида акс эттирган китоблар эса бу борада қимматли куч ҳисобланади. Агар Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон бу асарини эълон қилмаса, Ўзбекистон Халқ ҳаракатида мақолалар нашр этилмаса, Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Йўлнома”сини ёзмаса, нима бўлади? Жамиятнинг асл ҳолатини юқоридан кўриб, ичидан ҳис қилиб турган шахсларнинг бу каби китоблари бизга етиб келмаса, биз бу жамиятга қандай муносабатда бўламиз? Режимнинг айтганига кўниб жимгина кетаверамизми ёхуд унинг айбу камчиликларини, нуқсонларини кўриб, уларни тўғирлашга саъй қиламизми? Ёки бошимизда ўз ҳукмини аёвсиз ўтказиб келаётган жиноятчилар ҳукуматига таслим бўлиб ўтираверамизми?

Жамият Фитратнинг “Раҳбари нажот”ини ҳам, “Мунозара”сини ҳам, Соғунийнинг “Туркистон қайғуси”ни ҳам, Муҳаммад Солиҳнинг “Йўлнома”сини ҳам, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар”ини ҳам мутолаа қилади. Қуръонни ҳам ўқийди, ҳадисни ҳам ўрганади, жараёнда унда соғлом фикрлаш бошланади, жасорат уйғонади, ўз кучи ва потенциалини адолат баҳолаш қувватига эга

бўлади. Кейин ноҳақликка исён қилади, ёлғонга қарши курашади, ҳақиқатнинг қарор топиши учун умрини бағишлайди, иймон ва эътиқод йўлидан собит кетишни ўрганади, ўзидан аввал шундай умр кечирганларга эргашади.

Шу маънода, “Бу кунлар” асарининг эффекти ўлароқ одамлар кўчага намойишга чиқишини кутиш ёки Каримов ҳокимиятни юмшоқлик билан бировга топширишини орзу қилиш мантқиққа у қадар тўғри келмайди. Балки бу асарни ўқиб ёшлар ўз йўналишларини тўғри белгилашади, дунёга қайси кўз билан қарашни билиб олишади.

“Бу кунлар” сиёсий романи муаллифнинг шухратпараслиги меваси эмаслиги қундай равшан. Балки бу роман Ватанга, халққа бўлган муҳаббатнинг ҳосиласидир. Оллоҳнинг изни ила бир инсон қалбидаги жасорат булоғидан оққан ҳаётбахш сувдир бу асар.

Мақола сўнггида мавзуга алоқадор бўлиш-бўлмастидан қатъий назар айтажакларим бор – шуларни айтмоқчиман. Бу гапларим ўзбек ёзувчи ва шоирларининг барчасига – ёшу қарисига бирдек қаратилган! Уларнинг баъзиларининг исмини зикр қиламан, чунки яхши танилиб қолишган.

Лукмон Бўрихон!
Алишер Назар!
Улуғбек Ҳамдам!
Назар Эшонқул!
Сирожиддин Саййид!
Иқбол Мирзо!
Махмуд Тоир!
Носиржон Жўраев!
Бехзод Фазлиддин!
Насрулло Эргаш!
Дилмурод Дўст!
Ихтиёр Хонхўжаев!
Нодир Жонузок!
Нурилла Чориев!
Салим Абдурахмон!
Байрам Али!
Хусан Мақсуд!
Рафиқ Сайдулло!

Адхамжон Махсудалиев!
Мақсудхон Саломов!
Фаррух Жабборов!
Алибек Анварий!
Шукуржон Исроиллов!
Мусанниф Адхам!
Азиз Нур!
Абдуллатиф Адхамов!
Биз сизларни яхши биламиз, йигитлар. Ижодий ишларингизни ижтимоий тармоқлар, интернетдан

сайтларда ёритилган. Мустақил фикрлашга уриниш бор сизда. Ўз йўлингиз ва овозингизни, сўзингизни айтишга интиласиз. Ҳар бирингиз хос характер эгасисиз. Буни ёзганларингиз кўрсатиб турибди. Сизларнинг бошқа қалами ўткир тенгдошларингиз ҳам борки, аммо уларни биз танимаслигимиз эҳтимол. Шунинг учун бу гапларни уларга етказиб қўясиз.

Биз сизларга Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг сафига қўшилиш таклифини бераётганимиз йўқ. Бизнинг сиёсий партияни, бизнинг сиёсий йўлни қўллаб-қувватланг деган гапни ҳам айтмоқчи эмасмиз. Ҳатто, биз сизларга ёзган китобларимизни, мақолаларимизни ўқиб чиқинг деган таклифни беришдан ҳам йироқмиз. Чунки, Алҳамдулилла, шахсиятимизни юксак ғоялар воситасида машҳур қилишни асло мақсад қилмаганмиз. Биз сизга айтмоқчимизки, Оллоҳ ҳар бирингизга бир қалам берган. Бу шундай қаламки, уни сиздан бўлак одам тута олмайди. Сиз ёзганингиз каби ҳеч ким ёза олмайди. Агар дўстингизга ва сизга айтиб бир мавзуда ёзиш буюрилса, шубҳасиз, мутлақо бошқа бир йўлларда ёзасиз. Чунки Оллоҳ таоло сизларнинг ҳар бирингизга алоҳида тафаккур тарзини берган ва шунинг учун ўзаро қасдлашиш, ўзаро ҳасад қилишнинг умуман фойдаси йўқ. Зотан, минг ҳаракат қилингани билан инсон ўз неъматидан ташқаридаги фикрни ёза олмайди. Бу ўринда энг тўғри йўл – бутун имкониятларни ишга солиб фақат ва фақат Ҳақиқатларни юзага чиқаришдир.

Сиз биздан қайси ҳақиқатларни деб сўрашга ҳақлисиз.

Бу – сиз яшаётган муҳитдаги одамларнинг дарду охларидир. Сиз яшаётган жамиятнинг яраларидир. Сиз кўриб турган порахўрлик, сиз кўриб турган зулмдир. Сиз кўриб турган ва ечим умуман топилмаётган муаммолардир.

Оллоҳ сизга ҳеч кимга бермаган фаросат кўзини, заковат ўткирлигини берган. Буни биламиз. Чунки бу икки неъматдан бебаҳра одам ҳеч қачон сиз ёзган асарларни ёза олмас эди. Сиз биз каби фикрлашингиз шарт эмас. Сиз Фитрат, Алихонгўра Соғуний, Муҳаммад Солиҳ, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон каби тафаккур қилишга мажбур эмассиз. Аммо улардан яхшироқ ва зехнлироқ

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бўлиш ҳам мумкин! Бунинг учун сиздан ўткир илм, кучли сабр, энгилмас жасорат, ҳақиқатга бўлган ташналик ва буларнинг манбаи ҳисобланган иймону эътиқод талаб қилинади.

Марҳамат, ўзингда бу сифатларни шакллантиринг ва елкангиздаги юкни ҳис этинг. Сизнинг кўлдаги қалам фақатгина қалам ҳақи олиб келадиган восита эмас. Унинг сиз билан қудрати ва кучи бор. Бу куч ва қудрат одамларнинг қалбини ёритади. Уларга хуррият ва озодликнинг насимларини етказди. Зулм ва ҳақсизликка бош эгишдан қутқаради. Маърифат ва эзгуликка, эртаққа айланган адолатга томон етаклайди. Ўлиб қолган ва ҳеч ким ишонмай қўяётган идеалларга чорлайди. Буларнинг ҳаммасининг сизнинг бармоқларингиз тутиб турган қалам ва икки дудоғингиз орасидаги, онгларингиз қатидаги Сўзлар удаллаши мумкин. Фақатгина бу потенциални ҳис эта билишингиз шарт. Агар ҳақиқатни айтсангиз, бошингиз кетса, ухлаб ётган иссиқ ўрнингиздан кўзгатишларидан кўрксангиз, бирлашинг. Зотан, бирлашиш ҳар қандай кўркувни таслим қилади. Зотан, бирлашганда, қалблар ўзаро тафтланганларида

ўлим деб аталмиш даҳшат ҳам ўз рангини йўқотади. Зотан, ўлим бир одамга борганда қанчалик кўркинчли бўлса, жасорати улкан баҳодирлар жамоанинг устига борганида ҳайбатини йўқотиб шунчалик кичрайиб кетади.

Сиз мен ожизман, кўлларим боғланган деманг. Қўлингизни боғлаб қўйган бўлсалар, ечиб ташланг. Тишлаб арконларни узинг. Занжирларни синдиригиз. Дўстингизнинг қошига боринг. Ҳақиқатларни ошқора айтишда жасоратли бўлинг. Бирингиз ёзган шеърдан иккинчигиз камчилик изламанг. Бу билан иш битмайди. Бирингиз ўз истеъдодингизни иккинчигиздан юқори баҳоламанг. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Кучингизни ҳақиқат юзидаги никобни, ҳақиқатнинг занжирларини олишга сарф қилинг.

Битта бўлсангиз, иккинчигизни топинг. Иккита бўлсангиз, учинчигизни даврага қўшинг. Сиз бирлашинг. Тенгдошингиз камалса ёхуд босимга учраса, ёнига туринг. Кўркманг. Бир кишидан кўра жамоа бўлиб жазо олишнинг гашти бўлакча. Аслида, биз сизларни жазога, қамокка ёхуд ўлимга чақирмаяпмиз, балки сиз ва биз тасаввур қиладиган даҳшатларнинг чўккиси агар шу бўладиган бўлса, аслида сизнинг жасоратингиз

олдида бу бир пул эканига сизни ишонтирмақчимиз, холос.

Гапларимиз шунчаки жозиба, шунчаки сеҳр эмас. Балки айна ҳақиқат. Буни унга ишониб ҳаётингизга татбиқ қилган кунингиз яққол ҳис этасиз.

Атрофингизни тумандай ўраб турган кўркувни парчалаб, кўнгилингизда жасоратнинг чексиз бир қудратини, фаросатнинг тоза бир тажаллийсини туйиб яшаш лаззатини биласизми?

Ўтган асрнинг 80 йилларида Муҳаммад Солиҳ ва унинг сафдошлари айна шу лаззатни ҳис қилган эдилар. Улар жасорат мастлиги билан мамлакат мустақиллиги учун қатта курашларга киришган эдилар. Ҳолбуки, уларнинг бошидан айланган қонли камчи бугунги кундан кўра кучсиз эмас эди.

Бу менинг айтажакларим эди. Бу гапларим билан ҳам сиз кўлга қалам олиб фақат ҳақиқатларни айтишга, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон каби асарлар ёзишга қарор қиласиз деб ўйламайман. Аммо бу сўзларимиз қалбингизнинг қаеринидир жиз эттирса ва уйғониб келаётган жасоратингизнинг улғайиши ёхуд яна тепароққа чиқиши учун бир зина бўлиб берса, мақсадга эришган бўлар эдик.

Абдуллоҳ Нусрат

“ОЙҚИЗ ЭРТАГИ”НИНГ “КАРОМАТ”И

Ўзбек ҳукумати амалга оширадиган пуч ваъдалар беришга қанчалик ўч бўлса, ўзбек режиссёрлар ҳам шу қадар ваъдабоздирлар. Масалан, улар бирор фильмни суратга олиб, йиртиқ қопга сиғдирмай мақташадиди, кейин киносаройларда тақдим қилишади. Аммо мақталган қиз тўйда ел чиқарар деганларидек, деярли ҳамма реклама қилинган фильмлар ўз муаллифларига фақат ва фақат шармандали натижаларни келтирмақда. Хусусан, яқиндагина ўз аҳмоқона сюжети ва бир тийинга қимматлиги билан ёдда қолган “Барон” ҳамда Акбар Бектурдиев исмли одам суратга олган ва қуни кеча премьераси бўлиб ўтган “Ойқиз эртаги” шулар жумласидандир.

Бу фильмларга сарфланган пуллар давлат бюджетидан ажратилган бўлиб, ҳар иккисига яқин икки миллиард сўм маблағ кетган. Аслида, жаҳон миқёсида суратга олинаётган сифатли ва пишиқ кинолар бу қадар камхарж бўлмайди. Ўзбек региони учун икки миллиард сўм қатта пул ҳисобланса-

да, жаҳон аренасида бу пулга актёрлар тушлик қилиб юборишади. Майли, ўзбек киносаноати жуда иқтисодчи, исрофни ёқтирмайди. Аммо “Ойқиз эртаги” ҳам ўз тўйида – премьерасида ел чиқарди (Узр, энди).

Аввало, сценарий ўта саёз. Фильм ўта зерикарли. Кўтарилган масала – муҳим, аммо ёндашув бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу кинони тўқсонинчи йилларда, балки сал-пал қизиқиб кўрса бўларди, аммо бугун – асло. Чунки бу фильмни томошабинни тортадиган бирор нуқта йўқ. Ишонинг – бирор қизиқ ва жозибали нуқта тополмайсиз фильмда. Ўзбек болалар “Супермен”, “Ургимчак одам” каби киноларни кўряпти, “Гарри Потер”ни кўряпти, шу фильмлардан ўтказиб бирор маҳсулот чиқара олмаса, яхшиси, бу касбдан воз кечган маъқул. Зотан, ўзбек томошабини ҳам жаҳон фильмларини кўриб бўлди, энди унинг диди ҳам юқори сифатли фильмларни талаб қилади. Аммо бундай фильмлар йўқ?



Нима учун, биласизми? Бу ўзбек режиссёри ёки актёрларининг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ёхуд ёзувчи ва шоирларнинг салоҳияти, интеллекти пастлигини билдирадими?

Ундай эмас. Ўзбек халқи, ўзбек ёшларнинг тафаккури, салоҳияти юқори. Генида катта алломаларнинг белгилари мужассам. Фақат бугун киносанъати ва киносанъатини ҳам ривожланишига тўсиқ бўлиб турган нарса – Каримовнинг золим, агрессив, мустабид, террорист режимидир. Барча соҳаларни қамраб олгани каби кино ҳам режимнинг оёқлари остида вақиллашга ҳам ҳоли қолмаган қурбақа бўлиб ётибди. Кучли режиссёрлар ўз истеъдодларини намойиш қила олишмайди. Сабаби – улар кўтармоқчи бўлган муаммолар ҳукуматнинг думуни босиб олади.

Бугун ўзбек кинотанқидчилари ҳамма фильмлар қайнона-келин ва севги-муҳаббат можаросидан иборат бўлиб қолганидан нолийдилар. Табиий. Чунки ўзбек режиссёрларига сиёсий, ижтимоий ва глобал масалаларни кўтариб чиқишга ҳукумат рухсат бермайди. Режим тасдиқлаб берган низомда кино қаҳрамонлари фақат чиройли ўйларда яшашлари керак, илоҳи бўлса, доим тўқликка шўхлик қилишлари талаб қилинади. Ҳилол Насимов, Рустам Саъдиев каби даҳрийфеъл режиссёрлар эса сиёсатни ёқлайдиган ва қолипга жуда боп тушадиган фильмларни қаторлаштириб ташлайдилар.

Шухрат Аббосов, Зулфиқор Мусоқов каби афсонавий режиссёрлар, Баҳодир Йўлдошев каби тажрибали киноустлари эса бугун камераларини қаёққа йўналтиришни билишмайди. Чунки улар айтадиган гап кўп, аммо айтиши учун шароит йўқ.

Баҳодир Йўлдошев: “Актёр ёки режиссёр мукофот учун эмас, соф самимият билан халққа хизмат қилиш учун меҳнат қилсин. Агар халқ артисти, хизмат кўрсатган деган унвонларни мақсад билса, унинг меҳнати самимий бўлмайди”, – деди. Бу гапни кўпчилик ўзича тушунди. Агар Баҳодир ака ўзи мукофот олмаганида бундай демасди дейишди. Аслида, Баҳодир Йўлдошев бу золим режимдан мукофот олмасликни назарда тутди. Чунки бугун Каримовнинг мукофотини олганларнинг ҳаммаси халқни алдаш билан машғул. Уларнинг ҳеч бири халқ билан эмас, халқнинг дардини, дунёсида нима борлигини билмайди ҳам, ҳис қилмайди ҳам.

Энди “Ойқиз”ми, “Бошқуш”ми, деган бу эртақ фильмни таҳлил қилсак. Ҳарқалай, фильмга бир дунё пул сарфлашган. Нимадир ғояси бўлиши керак-ку.

Фильмда Сарой деган мамлакатни ёвуз кучлар эгаллаб олгани ва у мамлакатни шоҳнинг қизи Ойқиз озод этгани ҳикоя қилинган. Асосий саволлар: нима учун шоҳнинг ўғли йўқ? (Қизиқ, Каримовнинг ҳам ўғли йўқ (яъни қонуний!) Нима учун қиз отанинг ўрнига тахтга чиқиши керак? (Лола тахтга чиқиши керакми?) Қиз эмас, куёв – Жонбоз тахтга чиқди! (Темур Тиллаев тахтга чиқмоқчимиди ё?)

Фильмда бирор қаҳрамон характер даражасига кўтарилмаган, бирор қаҳрамоннинг ўзига хос феъли, ақлу тафаккури йўқ. На Ойқиз, на бошқа. Фильм бош қаҳрамони малика эса қилич ушлаб жанг қилгани ҳисобга олинмаса, ҳеч бир қаромат кўрсатмайди. Одатда, фильмларда – у қайси мавзуга доир бўлмасин – аксари ҳолларда замона муаммолари тилга олинади. Аммо “Ойқиз эртаги” фильмида қайси муаммо ёритилган? Майли, юртни ёвдан ҳимоя қилиш керак, аммо Каримов режими мамлакатни мустақил деб эълон қилган. Ҳали юртга ёв ҳужум қилмади. Бу ҳолда, на мавзу, на мазмун жиҳатдан бу фильмнинг ўзбек аудиториясига нима кераги бор?

Фильмнинг ғояси битта – мамлакат тахтига ўғилсиз шоҳнинг қизи ва унинг куёви эгалик қилиши мумкинлиги ҳақида фикрни одамларга сингдириш! Бошқа ҳеч қандай масала бу фильмда мавжуд эмас. Бу фильм Каримов кетгандан кейин унинг куёви Темур ва қизи Лола унинг ўрнини эгаллашига одамларни кўнатириши керак. Чунки ўзбек менталитети ўғилни муҳим ҳисоблайди. Бу бор гап. Эртақлару дostonларда ҳам ўғиллар салтанат давомчиси ўлароқ кўринган ва қизлар мамлакатни бошқаргани ҳақида жуда кам ҳолларда сўз боради.

Модомики, ўзбек киночилари тарихий мавзуда фильм суратга олар экан, аввало, “Тўмарис” мавзуси ўртадан кўтарилгани йўқ. Қолаверса, юртимиз ҳудудида ҳукмронлик қилган сулоалар тарихи ҳам туганмас мавзудир. Шулардан бирор лавҳани ҳикоя қилиш мумкин эди. Аммо айнан жанр эртақ ва сюжет биз айтган каби уюштирилди. Демак, мақсад худди биз талқин қилганимизчадир.

Аммо ўзбек халқи айтадики: “Бўйни боғлиқ ит овга ярамайди”. Бўйни боғлиқ режиссёрнинг иши ҳам бўлмабди – фильм мутлақо муваффақият қозона олмаслиги кўриниб турибди. Ишончимиз комилки, Каримовнинг режалари ҳам муваффақият топмайди, ИншаОллох.

Абдуллоҳ Нусрат



Тўй фожеаси

Яқинда эндигина элликка кирган яхши бир акани тупроққа қўйдик. Ичагида яраси бор экан. Шу очилиб кетибди. Аммо бу одамни ўлдирадиган дард эмас. Ҳарқалай, қоқ бўлса ҳам медицинамининг бунга ақли етади. Бироқ марҳум шифохонага бормаган.

— Нега шифохонага олиб бормадингизлар? — дедим хайрон бўлиб.

Аёли ерга қарайди. Болалари онасига хўмрайди. Бир амаллаб масаланинг тагига етдим.

Ака яқинда набирали бўлибди. Тўнғич қизи ўғилли бўлиб, шунга бешик тўйи олиб бориши керак экан. “Бешик тўйи”нинг харажати катта эмиш. “Агар мен касалхонага тушиб қолсам тўй беролмай қоламиз”, деб ота шўрлик шифохонага бормаган ва бир ҳафта давомида қон туфлаб юраверган.

— Бир неча марта айтдим, лекин ҳар сафар: “Қудаларнинг олдида уятли бўлиб қоламиз, қизингнинг кўнгли ўқсийди”, деб бормадилар, — дейди аёли.

Хуллас, шу одам ўлди. Бир тийинга қиммат анъанани, бемаврид ғурурни деб ўлиб кетди.

Мухтарам ўзбеклар, тўйлар фожеасидан қачон қутилади? Қачон эс киради бизга? Биз қачон тонналаб гуруч дамлаб тўй қилишнинг фазилат эмаслигини тушунамиз?

Ажабо, бир аср илгари Бехбудий ҳазрат ҳам худди шундай нолиб ёзган эканлар. Орадан 100 йил ўтибди ҳамки, ҳамон ўша “қўшиқ”!

Алишер Назар

Манба: maslahatim.uz

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов